



ЎСИМЛИКЛАР КАРАНТИНИ СОҶАСИДАГИ ИСЛОҶОТЛАР НАТИЖАДОРЛИГИ ТАҶЛИЛ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 21 сентябрь куни ўсимликлар карантини соҳасидаги ислоҳотлар натижадорлиги таҳлилига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислоҳотлар ва экспорт сиёсатининг асосий мақсади — мамлакатимиз маҳсулотларини жаҳон бозори талабларига мослаштириш. Шунинг учун, ўсимликларни ҳимоя қилиш йўналишини ислоҳ қилиб, ўсимликлар карантини инспекцияси ташкил этилди. Халқаро стандартларни жорий этиб, экспортга қўмақлашиш, хорижий давлатлар билан битимлар тузиш, ўсимликлар клиникаси ва биологаториялар ташкил қилиш, шунингдек, соҳага илм-фан ютуқларини олиб кириб, малакали кадрлар тайёрлаш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Бу борадаги дастлабки қадамлар натижа-сида 19 давлатга 78 хил маҳсулотни экспорт қилиш учун рухсатномалар олинди.

Сертификация учун ўнлаб қоғоз ҳужжатлар ўрнига ягона электрон тизим жорий этилиб, экспортчиларнинг аризаларини кўриб чиқиш муддати 10 кундан 1 кунга туширилди.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари соҳада амалга оширилаётган ишлар бўйича тақдирот билан танишиб, навбатдаги вазифаларни белгилаб берди.

Янги экспорт бозорлари топиб, маҳсулотларни ҳозирги нархидан 3-4 баравар

қимматроқ сотиш имконияти борлиги айтилди. Товарларни халқаро фитосанитария талаби асосида тайёрлаш учун маҳсулот этишти-рувчи, қадоқловчи ва экспорт қилувчи ҳар бир корхонага карантин инспекторларини бириктириш бўйича кўрсатма берилди.

Литва, Латвия, Украина, Озарбайжон, Миср, Қатар, Мўғулистон, Афғонистон ва бошқа давлатлар билан музокара ўтказиб, гилос, анор, узум, қовун каби мева-сабзавотлар экспорти учун тадбиркорларга йўл очиб бериш вазифаси белгиланди. "Даладан экспортга" тамойили бўйича тўлиқ ишлашни таъминлаш зарурлиги қайд этилди.

Маълумки, келгуси йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти ҳажмини 5 миллиард долларга етказиш мўлжалланган. Бунинг учун соҳанинг илмий салоҳиятини ошириш, халқаро сертификация тизимини татбиқ этиш керак. Шу боис давлатимиз раҳ-бари бу бўйича йирик илмий марказ ташкил этиш тақлифини илгари сурди. Фан билан амалиёт уйғунлигини таъминлаш, экспортчи корхоналар мутахассисларига халқаро фито-санитар талабларни тушунтириш бўйича топшириқлар берилди.

Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси

хузуридаги ўсимликлар карантини илмий марказини тубдан ислоҳ қилиб, замонавий лабораторияларга эга бўлган Самарқанд ва Қашқа-дарё вилоятларида ҳамда Фарғона водийсида марказлашган илмий муассасалар ташкил қилиш бўйича топшириқлар берилди. Ушбу ил-мий марказларга Фанлар академияси ва агро-саноат мажмуаси тизимидаги илмий тадқиқот институтларини бириктириш, Инновацион ривожланиш вазирлигига мазкур илмий марказ-ларни ривожлантиришга грант маблағларини йўналтириш вазифаси қўйилди. Инвестиция ва ташқи савдо вазирлигига икки ой муддатда илмий марказ ва худудлардаги лаборатория-ларни жиҳозлашга 50 миллион доллар микро-ридаги маблағларни жалб қилиш топширилди. Шунингдек, Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиалларида ҳам халқаро фито-санитария талаблари ўқитилди.

Бугун соҳада хусусий сектор иштирокида ўсимликлар 205 та клиникаси, 690 та биоло-гатория мавжуд. Сифат ва рақобатни таъ-минлаш мақсадида бундай хусусий клиника ва биологаторияларни кўпайтириш лозим-лиги таъкидланди.

Ўсимликлар карантини давлат инспекция-сига 1 декабрга қадар ўз маълумотлар база-сини боғжона органларининг "Ягона дарча" электрон тизимига тўлиқ интеграция қилиш вазифаси қўйилди.

ЎЗА

Туркиянинг "Cumhuriyet" газетаси: ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БМТДА АЛИШЕР НАВОИЙ ТИЛИДА НУТҚ СЎЗЛАЙДИ

Туркиянинг нуфузли "Cumhuriyet" газетаси "Ўзбек тили БМТда. Шавкат Мирзиёев раҳбарлигидаги Ўзбекистон янги марраларга интиломда..." сарлавҳаси остида таҳлилий мақола чоп этди.

Материалда Марказий Осиё марказида жойлашган Ўзбекистоннинг бутун минтақа-нинг барқарорлигини таъминлашдаги муҳим геостратегик роли таъкидланган. Мамлакат аҳолисини, асосан, ўзбеклар ташкил қилиши, улар қўшни давлатларда ҳам истиқомат қили-ши билдирилган. Шунингдек, Ўзбекистоннинг қўллаб-қувватловисиз минтақанинг баъзи давлатларида тарқалган экстремизмнинг бу-тун дунёга ёйилиб кетишига қарши курашиб бўлмаслиги қайд этилган.

Муаллиф замонавий Ўзбекистон тараққи-ётининг ижтимоий-иқтисодий жиҳатлари ва



мамлакатда Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қўламли янгиланиш жараёнларига алоҳида эъ-тибор қаратган.

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон ва БМТ

БМТНИНГ 75-ЮБИЛЕЙ СЕССИЯСИ: ТАРИХГА – ИБРАТ, КЕЛАЖАККА – ИШОНЧ НИГОҶИ ИЛА



Акмал САИДОВ, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори

БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИ 75-СЕССИЯСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Авваламбор, БМТ олий органи бўлмиш Бош Ассамблеянинг навбатдаги сессияси, мазкур нуфузли халқаро ташкилот низомига мувофиқ,

Давоми 2-бетда

Жорий йил 15 сентябрь куни Нью-Йорк шаҳрида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-юбилей сессияси бошланди. БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш сессиянинг очилиш маросимида таъкидлаганидек, "Жорий йилда биз БМТ ташкил топганининг 75 йиллиги санасини нишонлаётимиз ва табиийки, халқаро тизим қоидаларига асосланган кўп томонлама муносабатлар ва ўзаро ҳамкорликнинг бош майдонига бутун дунё катта умид билан кўз тикиб турибди".

ҳар йили сентябрь ойининг учинчи сешанбасида очилади. Бу йил ҳам 15 сентябрь куни Нью-Йорк шаҳрида Бош Ассамблеянинг навбатдаги сессия-си аънавий тарзда очилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, "Афсуски, биз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти-нинг 75 йиллик юбилейини мисли кўрилмаган таҳдид-лар шароитида нишонлашимизга тўғри келмоқда. Янги кўринишдаги коронавирус пандемияси на-фақат соғлиқни сақлаш, балки иқтисодий, ижти-моий ва гуманитар соҳаларда гоят оғир инқирозга олиб келди.

Интервью

ЎСИМЛИК ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ ЭКСПОРТИ УЧУН ЯНГИ БОЗОРЛАР ОЧИЛАДИ

Жорий йилнинг 21 сентябрь куни Президентимиз раислигида ўсимликлар ка-рантини соҳасидаги ислоҳотлар натижадор-лиги таҳлилига бағишланган йиғилиш бўлиб

ўтди. Унда экспорт учун янги бозорларни очиб, хорижий давлатлар билан битимлар тузиш, соҳага илм-фан ютуқларини олиб ки-риш, ушбу йўналишда фаолият олиб бораёт-

ган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш каби масалаларга эътибор қаратилди.

ЎЗА

Давоми 3-бетда

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 18 сентябрь куни ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимини такомиллаштириш, куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишларини жадаллаштириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди



Коммунал тармоқларнинг барқарор фаолияти аҳоли турмуш сифатини таъминлайдиган энг муҳим омиллардан.

Йиғилишда мамлакат бўйлаб 27 та туманда ичимлик суви билан таъминлаш ишлари танқид қилинди. Мавжуд 70 минг километр сув қувурларининг 32 фоизи эскирган. Оқибатда улардаги йўқотишлар даражаси 40-50 фоизни ташкил этмоқда. Бу йилига қарийб 500 МИЛЛИОН КУБ МЕТР СУВ ЁКИ ЎРТАЧА 300 МИЛЛАРД СЎМ ДЕГАНИ.

Ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимидаги лойиҳаларни тайёрлаш, амалга ошириш ва мониторинг қилиш, шунингдек, тарифларни белгилашни маҳаллий кенгашлар билан келишиш тартиби жорий қилинмоқда.



Олмалиқдаги ичимлик суви таъминоти корхонасига қарашли 52 ТА НАСОС ЯНГИЛАНИШИ натижасида корхонанинг умумий харажати 22 ФОИЗГА, ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ САРФИ 2 БАРАВАРГА ҚИСҚАРГАН. Шаҳар аҳолиси сифатли ичимлик суви билан узлуксиз таъминланмоқда. Худди шунингдек, сўнгги 3 йилда амалга оширилган лойиҳалар натижасида Гулистон шаҳрининг ичимлик суви таъминоти масаласи ҳам тула ҳал бўлди.



"Худудга таъминот" акциядорлик жамиятига табиий газ танқис ҳудудларга 385 МИНГ ТОННА СУЮЛТИРИЛГАН ГАЗ етказиб бериш вазифаси қўйилди.



1 ноябрга қадар 3 МИНГДАН ЗИЁД таъмирга муҳтож кўп қаватли уйни куз-қиш мавсумига тайёрлаш, 131 та ижтимоий соҳа объектини мукамал ва 3 мингтагани жорий таъмирлаш вазифаси қўйилди. Тиббиёт ва таълим муассасаларининг тайёргарлик ҳолати кўриб чиқилди.

Йиғилиш аввалида давлатимиз раҳбари коронавирус билан боғлиқ вазиятга тўхталиб ўтди. Касаллик ҳамон бутун дунё бўйлаб кенг тарқалаётгани, сўнгги кунларда юртимизда ҳам беморлар сони кўпайгани афсус билан қайд этилди. Темир интизом ва тартибни таъминлаб, барча жойларда санитария талабларига қатъий амал қилиш кераклиги яна бир бор таъкидланди.

Бу йил куз-қиш мавсуми учун 6 МИЛЛИОН ТОННА КЎМИР маҳсулотлари зарурлиги қайд этилиб, уларни ғамлаш ва етказиб бериш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

Видеоселектор йиғилишида иқтисодийёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш масаласи ҳам муҳокама қилинди.

Ўзбекистон ва БМТ

БМТНИНГ 75-ЮБИЛЕЙ СЕССИЯСИ: ТАРИХГА – ИБРАТ, КЕЛАЖАККА – ИШОНЧ НИГОҲИ ИЛА

Бошланиш 1-бетда



“ЎЗБЕКИСТОН ВА БМТ: БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИГА ЭРИШИШ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК”

Бундай мураккаб ҳолатдан чиқариладиган асосий сабоқ шундан иборатки, бу офат жаҳондаги барча мамлакатлар бир-бири билан узвий боғланиб кетганини яна бир бор намойиш этди”.

БМТ Бош Ассамблеяси юбилей сессиясининг аввалги 74 та сессиядан шаклан ва мазмунан фарқ қиладиган бир қатор хусусиятлари мавжуд.

Биринчи хусусият — коронавирус пандемияси сабабли сессия иши масофавий, яъни онлайн шаклда ташкил этилмоқда. Бу, ўз навбатида, сессиянинг ялли мажлисларида аввалгилардан кўра кўпроқ давлат ва ҳукумат бошлиқлари иштирок этишига имконият яратди.

Биз бундай ижобий воқеликка Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форумини ташкил этиш асосида дуч келдик. Яъни бу йилги Самарқанд веб-форуми иштирокчилари сони икки йил олдин Самарқандда ўтказилган Инсон ҳуқуқлари бўйича Осие анжумани иштирокчилари миқдорига нисбатан қарийб 2,5 баробар кўп бўлди. Форум онлайн шаклда ташкил этилгани, айниқса, халқаро ташкилотларнинг кўплаб олий даражадаги мартабали шахслари учун қулайлик туғдирди.

Иккинчи хусусият — Бош Ассамблея 75-сессиясига илк бор Туркия вакили раислик қилади. Аввалги сессияга раислик қилиб келган нигериялик дипломат Тиджани Мухаммад-Банде ўрнига навбатдаги сессияга раислик қилиш учун туркиялик дипломат Вўлкан Бозкир сайланди.

Учинчи хусусият — бу йилги сессия юбилей анжуман ҳисобланади. Чунки у БМТ ташкил этилганининг 75 йиллик қутлуғ санаси нишонланаётган йилда ўтказилмоқда.

Тўртинчи хусусият — юқори даражадаги тадбирлар ҳафтаси доирасида яна учта муҳим учрашув ташкил этилади. Булар 30 сентябрга мўлжалланган биохим-миллий бўйича саммит, 1 октябрда ўтказиладиган хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Пекин декларациясининг 25 йиллигига бағишланган мажлис ҳамда 2 октябрь кунига режалаштирилган ядровий қуролсизланиш масалалари бўйича мажлисдир.

Бешинчи хусусият — БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессиясининг олий даражадаги асосий тадбирлари 22-30 сентябрь кунлари бўлиб ўтади. Шу бир ҳафта ичида кўплаб давлат раҳбарлари маъруза билан чиқиш қилади.

Дастлабки маълумотларга қараганда, давлат раҳбарларидан фақат АҚШ Президенти Дональд Трамп БМТнинг Нью-Йорк шаҳридаги қароргоҳидан иштирок этади. Бошқа давлатлар раҳбарлари масофавий тарзда қатнашиб, ўз маърузаларини видеоконференция шаклида ўйиб берадилар.

Олтинчи хусусият — Бош Ассамблея 75-сессияси кун тартибига 23 сентябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг маърузаси қўзда тутилган. Давлатимиз раҳбарининг БМТ юксак минбаридан илк бор ўзбек тилида янграйдиган навбатдаги чиқишидан ҳам нафақат халқимиз, балки минтақамиз, бутун дунё жамоатчилиги ўткир ва долзарб халқаро ташаббусларни кутмоқда.

Еттинчи хусусият — коронавирусга қарши кураш, вакцина эгоизмига йўл қўймастик, соғлиқни сақлаш тизимини мустаҳкамлаш, пандемия шароитида аҳолининг ночор қатламларини ҳимоя қилиш каби масалалар муҳокама ва мунозаралар марказида бўлади. Бу ҳам янги таҳликали даврнинг долзарб талабидир.

БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш ҳаққоний таъкидлаганидек, “COVID-19 пандемияси келтириб чиқарган инқирознинг нақадар жиддий экани барча учун тушунарли бўлмоғи керак”.

Саққизинчи хусусият — сессияда бугунги коронавирус инқирози шароитида Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш масаласига алоҳида эътибор қаратилади. Нега деганда, дунё тарихий кўламларга эга бўлган, яъни кейинги 50 йил давомида кузатилмаган энг йирик таҳдид ва инқирозга дуч келиб турибди. БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари инсониятни ҳимоя қилиш ва фаровонлигини оширишга қаратилган бўлиб, бу борада ақидиллик билан сый-ҳаракат қилиш учун ўзига хос чақирқ хисобланади.

“БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ 75 ЙИЛЛИГИ: КЕЛАЖАККА НИГОҲ”

БМТ жорий йилнинг январь ойидан бошлаб турли мамлакатлар, тармоқлар ва авлодларни қамраб олган кенг кўламли халқаро мулоқотлар ўтказди.

Бундан ер юзидаги инсонлар нималарга ишониши ва нималардан хавотирда эканини англаш, уларнинг ҳаёт таърибасидан сабоқ чиқарган ҳолда дунёдаги барча инсонларнинг яшашига эришиш йўлларини глобал ҳамжиҳатликка белгилаб олиш ҳамда бу ҳақда жаҳон жамоатчилигига ахборот етказиш мақсади қўзда тутилди.

“Бирлашган Миллатлар Ташкилоти — 75” деб номланган ушбу ташаббус асосида 2045 йилгача, яъни БМТнинг 100 йиллиги нишонланадиган даврга қадар бўлган муддат учун айна йўналиш бўйича ҳалиё ёндашув шакллантирилди.

Бу борада аниқ, батафсил ва ҳолис далилларга таянган статистик маълумотларга эга бўлиш учун ижтимоий сўровлар ҳам ўтказилди. Шунингдек, оммавий ахборот воситалари материаллари таҳлил қилинди.

Мазкур мулоқот ва тадқиқотлар асосан учта масалага:

- инсоният келажаги;
- дунёдаги мавжуд тенденциялар;
- глобал ҳамкорлик истиқболларига қаратилди.

Ана шу учрашув ва мулоқот иштирокчилари томонидан илгари сурилган ғоялар эндиликда Бош Ассамблея сессияси мунозараларида давлатлар бошлиқлари ва БМТ раҳбарияти муҳокамаси учун тақдим этилмоқда.

Мамлакатимиз БМТ Бош котиби илгари сурган “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 75 йиллиги: келажакка нигоҳ” мавзусида туркум глобал мунозаралар ўтказиш ташаббусини тўла кўлаб-қувватлади. Шу ташаббус доирасида жорий йил давомида миллий ва халқаро ҳамкорларимиз билан учта глобал онлайн мунозара ташкил қилдик.

Глобал мунозараларнинг биринчиси “Ўзбекистон ва БМТ: Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш йўлидаги ҳамкорлик”, деб номланди. Анжуман 2020 йил 26 июнь кунини Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ҳамда БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан видеоконференция алоқаси шаклида ташкил этилди.

Президент Шавкат Мирзиёев форум иштирокчиларига мурожаатда таъкидлаганидек, “Ўзбекистон БМТнинг низоми, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бошқа халқаро шартномаларнинг мақсад ва тамойилларига содиқ ҳамда ўз зиммасидан олган мажбуриятларимизни оғишмасдан бажариб келмоқдамиз. Бу биз амалга ошираётган, 2017-2021 йилларга мўлжалланган Миллий ҳаракатлар стратегиясининг энг муҳим йўналишларидан биридир”.

Ушбу биринчи глобал мунозаралар БМТ низоми имзоланган тарихий кунда — 26 июнда ўтказилганида, унинг ишида БМТ ва ушбу нуфузли ташкилотнинг бутун дунёдаги тузилмаларидан олий даражадаги вакиллар иштирок этганида ҳамда мазкур анжуман ер юзидаги инсонларнинг ҳаётини яхшилаш учун глобал ҳамкорликнинг муҳимлигини алоҳида таъкидлашга ҳизмат қилишида ўзига хос рамзий маъно бор.

Бинобарин, БМТ низоми 1945 йил 26 июнда Сан-Франциско шаҳрида 50 та давлат, жумладан, сойиқ СССР, Буюк Британия, Хитой, АҚШ, Украина ва Франция томонидан имзоланган бўлиб, халқаро ҳуқуқнинг муҳим воситасидир. БМТнинг 1945 йил 24 октябрда қўлга кирган низомида ташкилотнинг тузилмаси, можароларни ҳал қилиш ва таъжовузор ҳаракатлар, тинчлик ва хавфсизликка таҳдидларга жавоб беришнинг асосий тамойиллари мустаҳкамланган. 24 октябр БМТ ташкил топган кун сифатида бутун дунёда кенг нишонланади.

Бугунги кунда БМТ дунёдаги ягона, том маънода универсал халқаро ташкилот ҳисобланади. БМТ давлатларнинг ўз шарҳларидан ташқари қиқадиган масалаларни ҳал этиб келмоқдаки, бу муаммоларга биронта мамлакатнинг ёлғиз ўзи ечим топиши мумкин эмас.

Бундан 28 йил олдин янги демократик давлат — Ўзбекистон Республикаси ташкилотнинг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди. Шундан буён биз ўз масалаларимизни ҳал этишда ҳар доим БМТнинг кўмағига таяниб келмоқдамиз.

БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш қайд этганидек, “Олдимизда турган муаммоларни ҳеч бир мамлакат, ҳеч қайси жамият яққа ҳолда ҳал эта олмайдиган шунинг учун барча сый-ҳаракатларимизни бирлаштиришимиз зарур. Биз нафақат сўзлашимиз, балки тинглашимиз ҳам лозим”.

Бундан беш йил аввал БМТга аъзо давлатлар 2030 йилгача мўлжалланган Барқарор ривожланиш кун тартибини қабул қилганди. Ўзбекистонда Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича Миллий индикаторлар муваффақият билан амалда татбиқ этилмоқда. Мамлакатимиз Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича ўзининг биринчи Ихтиёрий миллий шарҳини кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиб, БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий кенгашига тақдим этди.

“БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИ ВА БАРҚАРОР ИЖТИМОЙ ТАРАҚҚИЁТ: COVID-19 АСОРАТЛАРИДАН KEЙИН САМАРАЛИ ТИКЛАНИШ”

Ўзбекистон раҳбарияти ташаббуси билан “БМТнинг 75 йиллиги: келажакка нигоҳ” глобал муҳокамалари доирасида видеоконференция шаклидаги глобал мунозараларнинг иккинчиси шу йил 21 июль кунини “Барқарор ривожланиш мақсадлари ва барқарор ижтимоий тараққиёт: COVID-19 асоратларидан кейин самарали тикланиш” мавзусига бағишлаб ўтказилди.

Унда парламент палаталари, тегишли вазирлик ва идоралар, БМТ ва унинг итисослаштирилган тузилмалари, мамлакатимизда аккредитациядан ўтказилган дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистоннинг пандемиядан кейин Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш, маданий мероснинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишдаги роли ва ҳиссаси, барқарор ижтимоий ривожланиш таъминлаш мақсадида барча учун муносиб меҳнат шароитларини яратиб бериш зарурлиги тўғрисидаги нуқтаи назари юқори баҳоланди.

ЖССТ Бош директори Т. Гебрейсус анжуман иштирокчиларига йўлаган видеомурожаатида: “Пандемия бизга соғлиқ ҳашамат белгиси эмаслигини эслатиб қўйди. Бу иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий барқарорлик асосидир. У фавқулодда вазиятларга тайёрлик ва унга жавоб бериш таъминлашга инвестиция умумий келажагимиз учун сармоя эканлигини англаб қўйди. Соғлиқни сақлашнинг асосий хизматларидан фойдаланиш учун имконият яратишни кўлаб-қувватлаш COVID-19дан кейин мамлакатларнинг қайта оёққа туришида ҳал қилувчи аҳамиятга эга”, дея таъкидлади.

ЮНЕСКО Бош директори Одре Азуле ҳам тадбир катнашчиларини кўлаб, таълим мақсадлари учун кўмак бериш яна кучайтирилатган бўлса-да, бугунги кунда COVID-19 пандемияси бизни бир неча йил орта суриб юбориш таҳдидини юзага келтираётганини қайд этди.

О.Азуле таъбири билан айтганда, “Пандемиянинг бузғунчи оқибатларига дуч келган эканмиз, таълим эҳтиёжлари учун ёрдам, шубҳасиз, ҳар қачонгидан ҳам кўра муҳимдир. Мамлакатларга пандемияга қарши курашиш учун қўшимча маблағлар керак бўлади ва таълим ҳам кўмак бериш, ҳам миллий миқёсда маблағ ажратиш ҳажмлари нуқтаи назаридан устувор йўналишга айланиши шарт. Бу таълим соҳасидаги Глобал мақсадларимиз — БРМ-4 га эришишдан ортада қолишдан қочшимиз учун керак”.

Глобал мунозара иштирокчилари Ўзбекистонда 2030 йилгача бўлган даврда Барқарор ривожланиш мақсадлари кун тартиби ижросига ижобий муносабат билдирди.

Айниқса, Ўзбекистоннинг пандемиядан кейин Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш, маданий мероснинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишдаги роли ва ҳиссаси, барқарор ижтимоий ривожланиш таъминлаш мақсадида барча учун муносиб меҳнат шароитларини яратиб бериш зарурлиги тўғрисидаги нуқтаи назари юқори баҳоланди.

“ЁШЛАР-2020: ГЛОБАЛ БИРДАМЛИК, БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ”

Шу йил 12-13 август кунлари ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг долзарб масалаларига бағишлаб ўтказилган учинчи глобал мунозара — Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд веб-форуми тафсилотларига ҳам қисқача тўхталиш жоиз.

Бу глобал мунозара, Ўзбекистон Президенти таъбири билан айтганда, “нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон ёшлари ҳаётини яхшилаш учун глобал ҳамкорликни кучайтиришга қаратилгани билан муҳим аҳамият касб этади”.

Глобал мунозаралар якунида “Ёшлар-2020: глобал бирдамлик, барқарор тараққиёт ва инсон ҳуқуқлари” номли Самарқанд резолюцияси қабул қилинди. Яқинда Самарқанд резолюцияси БМТ Бош Ассамблеяси 74-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида тарқатилди.

ЎЗБЕКИСТОН ВА БМТ ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўзбекистон Бош котиби Антониу Гутерришнинг БМТни замонавий талаблар асосида ислоҳ қилишга қаратилган сый-ҳаракатларини тўла кўлаб-қувватлайди.

Бугунги кунда БМТ олдига бутун инсоният учун ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган долзарб вазифалар турибди. Булар турли можароларни ҳал қилиш, халқаро терроризм ва экстремизмга қарши курашиш, иқлим ўзгаришларини оқибатларини бартараф этиш, пандемияларнинг тарқалиб кетишига йўл қўймастик, барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш каби вазифалардир.

Ўзбекистон БМТнинг низоми, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бошқа асосий халқаро шартномаларнинг мақсад ва тамойилларига содиқ ҳамда ўз зиммасига олган мажбуриятларини оғишмасдан бажариб келмоқда. Янги ташаббуслар ва қўшма лойиҳаларни илгари суриш мақсадида Ўзбекистон томонидан БМТ билан ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича “йўл харитаси” ишлаб чиқилди ва изчил амалга оширилмоқда. Ушбу ҳужжатдаги вазифаларнинг тўлиқ рўёбга чиқарилиши муносабатларимизни янги, янада юқори босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

Хулоса ўрнида БМТ ташкил этилганининг 75 йиллик юбилейи барчамизга муборак бўлсин, дейимиз. Бугунги кунда, айниқса, жаҳон ҳамжамияти вужудга келган янги вазиятга мослашиши учун бор куч ва имкониятларни фоллаштириши талаб этилаётган ҳозирги пайтда ушбу ташкилот ўта муҳим аҳамиятга эгадир. Президентимиз таъкидлаганидек, “Ўзбекистон БМТ тузилмалари билан яқин ҳамкорликни давом эттиради”.

Туркиянинг “Cumhuriyet” газетаси: ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БМТДА АЛИШЕР НАВОИЙ ТИЛИДА НУТҚ СЎЗЛАЙДИ

Бошланиш 1-бетда



Хусусан, С.Аш ўқувчиларга Ўзбекистоннинг муазам туризм салоҳияти билан танишишни тавсия қилган. “Самарқанд ва Бухоро каби шаҳарлар туркий дунё тарихи учун ҳам муҳим аҳамият касб этади ва Амир Темур авлодлари юрти “очиқ осмон остидаги музей”га ўхшайди гўё”, дейилади мақолада.

Шу билан бирга, муаллиф Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари этиб сайлангандан бери ўтган вақт мобайнида мамлакатда ижобий ўзгаришлар ҳаётга татбиқ этилаётганини қайд этган. Турк шарҳловчисининг фикрича, Ўзбекистон Президенти республикадаги давлат бошқаруви тизимини тўлиқ янгилаб, замонавий талабларга мувофиқлаштирди.

Нашрнинг таъкидлашича, мамлакатдаги сиёсий ва иқтисодий ислохотларнинг мақсади “Янги Ўзбекистон” иборасида ўз ифодасини топган. Президент Шавкат Мирзиёев сайлов маданияти, фуқаролик жамияти субъектларининг аҳамияти, ОАВнинг фаоллиги масалаларини кўлаб-қувватлаб келмоқда. Аёлларнинг давлат ва жамоат ҳаётидаги иштироки муҳим ҳисобланади. Сўнгги парламент сайлови натижаларига кўра, депутатлар орасида аёлларнинг сафи кенгайган. Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий стратегия ишлаб чиқилган. Ушбу ҳужжат мажбурий ва болалар меҳнатининг олдини олиш масаласини ҳам қамраб олган. Мақолада камбағалликни қамайтириш, коррупцияга қарши курашиш, миллий манфаатларга устуворлик берувчи очиқ ва прагматик ташқи сиёсат юритиш Президент Шавкат Мирзиёев ўз олдига қўйган мақсадларнинг бир қисми экани айtilган.

Сертат Ашнинг ёзишича, Тожкентнинг ўзгаришларга нисбатан ижобий ёндашуви нафақат миллий даражада, балки мамлакатнинг кўшни давлатлар билан муносабатларида ҳам намоён бўлмоқда. Таъкидланишича, янги Президент “мамлакатни дунёга очди”. Муаллиф замонавий Ўзбекистон қўшни мамлакатлар билан яхши қўшничилик муносабатлари юритаётгани ва шу сабабли минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш бўйича изчил сый-ҳаракатлар амалга оширилаётганини эътироф этган. “Биз бу ҳаракатлар ҳақида нафақат ўзбеклардан, балки бошқа қўшни давлатларнинг расмийларидан ҳам эшитамиз”, деб тан олади муаллиф.

Туркиялик шарҳловчи ўз мақоласида Президент Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеяси сессиясида бутун дунё афкор оммаси ҳузурда биринчи марта Алишер Навоий тилида нутқ сўзлаши қутилаётганига ҳам эътибор қаратган. Кейин муаллиф “чиғатой лажжасини адабий тил ҳолига етказган Алишер Навоий айна вақтда теурилар давлатининг забардаст вакилларидан бири эди”, деб ёзади.

Мақолада таъкидланганидек, Ўзбекистон раҳбари ўз нутқида амалий халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича ўз қарашларини тақдим этади, дунё ҳамжамиятининг бугунги давр ўзгаришларига муносабати ва мамлакатнинг тинч мақсадлари ҳақида сўз юритади.

Муаллиф сўнгги йилларда Туркия — Ўзбекистон муносабатлари юксалаётганини қайд этган. Унинг фикрича, “Ўзбекистоннинг янги ва ҳар томонлама муносабати ва мамлакатнинг тинч мақсадлари ҳақида сўз юритади”.

ЎКТАМ ИСОЕВИЧ БАРНОЕВ



Ўзбекистон давлат бошқарув тизми оғир жудликка учради. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Уктам Исоевич Барноев оғир касалликдан сўнг шу йил 20 сентябрь куни 56 ёшида вафот этди.

Уктам Барноев 1964 йил Бухоро вилояти Ромитон туманида туғилди. У 1986 йили Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтини тугатиб, меҳнат фаолиятини Бухоро вилояти қурилиш корхоналарида бошлади, кейинчалик "Аму-Бухоро канал қурилиш" бошқармасида, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасида ишлади. 2000-2002 йил-

ларда қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида масъул лавозимларда хизмат қилди.

2002-2007 йиллар мобайнида Вазирлар Маҳкамасида Қишлоқ ва сув хўжалиги, агросаноат масалалари бўйича етакчи мутахассислиқдан департамент mudiri лавозимига бўлган вазифаларда фаолият кўрсатди.

У Барноев 2007-2008 йилларда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлади. 2008-2010 йилларда Самарқанд вилояти ҳокими вазифасига тайинланиб, худудни иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришга катта ҳисса қўшди.

У 2011-2016 йилларда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг "Ўзсувназорат" республика инспекцияси бошлиги, "Ўзагрокимё" компанияси бошқаруви раиси лавозимларида самарали фаолият олиб борди.

У Барноев 2016 йилда Бухоро вилояти ҳокими вазифасига тайинланиб, тўрт йил мобайнида мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқларида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотларни худудда изчил амалга ошириш, вилоят аҳолисининг турмуш шароитини яхшилаш, аграр тармоқни замонавий усуллар билан ривожлантириш, худуддаги қурилиш ва ободонлаштириш ишларини самарали ташкил этишда ташаббускорлик

билан ўзини аямасдан меҳнат қилди.

У 2020 йил февраль ойидан эътиборан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари лавозимига фаолият кўрсатди.

Уктам Исоевич Барноев қаерда, қандай вазифада ишлаганини, ўзининг билим ва тажрибаси, фидойилик билан бор салоҳиятини ва тажрибасини юртимиз тарққийети, халқимиз фаровонлиги йўлида сафарбар этди.

Айниқса, мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш, замонавий агротехнологияларни жорий этиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, тармоқ учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш борасида ўзининг ташкилотчилик қобилиятини кенг намойён этди.

У икки марта Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзоси этиб сайланган эди.

У Барноевнинг халқимиз олдидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У 2019 йилда "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қурувчи" фахрий унвони билан мукофотланган эди.

Таниқли давлат ва жамоат арбоби, камтарин, самимий ва фидойи инсон Уктам Исоевич Барноевнинг ёрқин хотири ақалларимизда ҳамisha сақланиб қолади.

Ш.МИРЗИЁЕВ, Т.НОРБОЕВА, Н.ИСМОИЛОВ, А.АРИПОВ

Мавсум тадориги



ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ РАИСЛИГИДА 18 СЕНТЯБРЬ КУНИ ИЧИМЛИК СУВИ ТАЪМИНОТИ ВА КАНАЛИЗАЦИЯ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, КУЗ-ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРГАРЛИК ИШЛАРИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛГАН ВИДЕОСЕЛЕКТОР ЙИГИЛИШИДА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИГА ТУМАН ВА ШАҲАРЛАРДАГИ ҲАҚИҚИЙ ҲОЛАТДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ, КУЗ-ҚИШГА ТАЙЁРГАРЛИК ЮЗАСИДАН ТОШКЕНТ ШАҲРИ ТУМАНЛАРИ, ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ҲАР БИР ВИЛОЯТ БЎЙИЧА АЛОҲИДА-АЛОҲИДА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВАЗИФАСИ ТОПШИРИЛДИ.

КУЗ-ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРГАРЛИК ЮЗАСИДАН БАРЧА ЧОРАЛАР КЎРИЛМОҚДА

Айни кунларда мавсумга қандай тайёргарлик кўрилмақда? Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигидан шу ҳақда олинган маълумотдаги муҳим бир жиҳат эътиборимизни тортди.

Бу йил уй-жой коммунал хўжалиги инфратузилмаси ва муҳандислик-коммуникация объектларининг ҳолати ҳамда Президентнинг Халқ қабулхоналарига келиб тушган мурожаатлар асосида маҳаллалар куз-қиш мавсумига тайёргарликка кўра "қизил", "сарик" ва "яшил" ҳудудларга ажратилди. Республикаимиз бўйича 21 сентябргача бўлган маълумотда мамлакатимиздаги 693 та маҳалла "қизил", 4 969 таси "сарик" ва 3 041 таси "яшил" ҳудудга киритилган. Электр энергияси, газ таъминоти қийин, уй-жой мулкдорлари ширкатларининг аҳоли "оғир", қишда бориш мушкул маҳаллалар биринчи навбатда "қизил" ҳудудга киритилган ва улар алоҳида эътиборда бўлади.

Бу мезон асосида амалга оширилаётган ишлар ҳақида Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ўринбосари Гофир Жамолов га пири берди.

— Карантин шароити турмуш тарзини анча жиддий ўзгартиришлар киритди. Лекин ҳаёт тўхтагани йўқ, иқтисодиётни ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш борасида ишлар изчил давом этмоқда, — деди Г.Жамолов. — Жумладан, кўп қаватли уйлари, ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш чора-тадбирлари кўлами жуда кенг.

Тўғриси, бу осон жараён эмас. Қиш кунларида аҳолини узулқисм электр, иссиқлик энергияси, табиий ва суоптирилган газ, кўмир билан таъминлаш масаласи мутасадди ташкилотлар зиммасига катта масъулият юклайди. Айниқса, бу ишлар карантин шароитида амалга оширилаётгани янада эҳтиёткорликни, янги чара-тадбирларни талаб қилади.

Президентимиз 17 июль ва 18 сентябрь кунлари шу масала юзасидан ўтказган видеоселектор йиғилишларида муҳим кўрсатмалар берди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Тошкент шаҳри туманларига, Бош вазир-

нинг биринчи ўринбосари вилоятларга шу масалалар бўйича масъул этиб бириктирилди. Тайёргарлик ишларини, энг аввало, бу борада аҳоли оғир бўлган 56 та туман ва шаҳардан бошлаш кераклиги таъкидланди. Бугун шу асосдаги ишлар қизғин давом этмоқда.

Мақсадимиз 1 ноябрга қадар 3 миңдан зиёд таъмирга муҳтож кўп қаватли уйни куз-қиш мавсумига тайёрлаш 131 та ижтимоий соҳа объектини мукамал ва 3 миңтасини жорий таъмирдан чиқариш.

Шу кунларда худудлардаги кўп қаватли 3 миң 212 та уй мукамал ва жорий таъмирланмоқда, 87 та марказий ва маҳаллий қозонхона, 1 миң 89 километр иссиқлик, 673,5 километр ичимлик сув, 6 миң 317 километрдан зиёд юқори, 69 миң 274 километрга яқин паст қучланли электр, 118 километр газ тармоқлари ҳамда 80 миң 399 та газ тақсимлаш пунктини мукамал таъмирлаш ишлари бажарилмоқда. 385 миң тонна суоптирилган газ ва 6 миллион тонна кўмирни аҳолига етказиб бериш чоралари кўрилмақда. Шунингдек, 1 миң 981 та мактаб, 881 та мактабгача таълим ташкилоти, 225 та соғлиқни сақлаш муассасасида таъмирлаш ишлари бошлаб юборилган.

Куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш, мавсумни беталафот ўтказишга 30 га яқин вазирлик ва идора раҳбарлари масъул этиб бириктирилган. Улар Бош вазирнинг биринчи ўринбосари раҳбарлигида тузилган республика штаби тарихида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга масъул, шунингдек, амалга оширилаётган ишларнинг доимий мониторингини юритади. Бугунги кунда республика штаби манфаатдор вазирликлар ва идоралар, ҳўжалик бирлашмалари ҳамда худудий ҳўжимликлар томонидан олиб борилаётган ишларнинг кўнлик назоратини амалга оширмоқда.

Шу билан бирга, бевоқиф чекка худудларга чиққан ҳолда куз-қиш мавсумини беталафот ўтказиш бўйича ишларнинг ҳақиқий ҳолатини ўрганиш, мавжуд муаммоларни аниқлаб, уларни тезкорлик билан бартараф қилиш чораларини кўриш мақсадида иккита йўналиш бўйича республика ишчи гуруҳи ташкил этил-

ди. Биринчи ишчи гуруҳ уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Музаффар Салиев раҳбарлигида Тошкент, Қашқадарё, Сурхондарё, Андижон, Фарғона, Наманган вилоятларида ва Тошкент шаҳрида, иккинчи ишчи гуруҳ Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси Шавкатжон Абдураззоқов бошличилида Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Навоий, Бухоро, Хоразм, Жиззах, Сирдарё вилоятларида 20 августдан 17 сентябрга қадар куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишларини ўрганиб чиқиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича чоралар кўрилади.

Бу ишчи гуруҳлар ўрганишлари асосида куз-қиш мавсумига тайёргарлик юзасидан барча худудларда кўп қаватли уй-жой фондини мавсумига тайёрлаш, аҳолини ва ижтимоий соҳа объектларини иссиқлик энергияси, ичимлик сув, электр энергияси, табиий ва суоптирилган газ, кўмир билан узулқисм таъминлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари захирасини тўплаш ҳамда фавқулодда вазиятлар, ёнғин хавфсизлигига эътибор қаратиш, ис-газидан заҳарланиш ҳолатларининг олдини олиш бўйича қисқа муддатда куз-қиш мавсуми бошланишидан олдин амалга оширилиши лозим бўлган ишлар шахар ва туманлар кесимида белгилаб олинди. Таъкидлаш керакики, ишчи гуруҳларнинг мақсади фақат текшириш эмас, балки вилоятларда, айниқса, чекка худудларда куз-қиш мавсумига тайёргарликка амалий ёрдам кўрсатиш ва мавсумни беталафот ўтказишдир.

Маҳаллаларда мавсумга тайёргарлик бўйича мавжуд камчиликларни бартараф этиш, барча худудларни "яшил" ҳудудга айлантириш чоралари кўрилмақда. Умуман, мамлакатимизда 2020-2021 йиллар куз-қиш мавсумига тайёргарлик бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бунда кузатилаётган муаммоларни бартараф этиш, аҳолини ва ижтимоий соҳани қишдан беталафот олиб чиқиш масаласи ҳар биримиздан масъулият, фидойиликни талаб этади. Чунки қишчи-қировли кунлар яқин.

У.АСОПОВ ёзиб олди.

Интервью

ЎСИМЛИК ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ ЭКСПОРТИ УЧУН ЯНГИ БОЗОРЛАР ОЧИЛАДИ

Бошланғичи 1-бетда

Йиғилишда давлатимиз раҳбари соҳада амалга оширилаётган ишлар тақдими-

ти билан танишиб, тегишли ташкилотлар мутасаддиларига аниқ вазифа ва топшириқлар берди.

Тегишли вазирлик ва идоралар мутасаддиларининг интервьюсида бу йуна-

лишда белгилаб берилган вазифалар ижроси бўйича амалга оширилаётган ишлар ва қутилаётган натижалар хусусида сўз юритилди.



Иброҳим ЭРҒАШЕВ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси бошлиғи:

— Президентимиз томонидан Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси фаолиятига катта эътибор қаратган ҳолда соҳадаги долзарб масалаларни ҳал этиш юзасидан муҳим топшириқлар берилди. Аввало, илмий фаолиятни ривожлантириш, мева-сабзавот экспорти бозорларини очиб соҳадаги мутахассис ва олимлар салоҳиятини янада ошириш кераклиги таъкидланди. Қолаверса, хориж давлатларидан республикамизга карантин остидаги маҳсулотлар билан бирга турли зараркунанда ҳашаротларнинг кириб келиши ҳамда касаллик ташишдаги катта хавф туғдирувчи омилларни илмий асосланган ҳолда ва тизимли ҳал қилиш бўйича аниқ вазифалар белгиланди.

Шуниси аён бўлдики, биз аслида фаолиятимизни тўғридан-тўғри дала ва боғлардан бошлашимиз керак экан. Бу борада Инспекция тизимдаги илмий марказ фаолияти қамровини кенгайтириш, уни жаҳон стандартларига жавоб берадиган даражада асосий бозорларимиз томонидан қўйилаётган фитостандарт талабларига тўлақонли жавоб бера оладиган тизимли илмий марказга айлантириш бўйича алоҳида вазифалар қўйилди. Бу борада республикада фаолият юритаётган илмий институтлар ва уларнинг олимларини жалб қилиш, зараркунандаларга қарши кураш тизимини жорий этиш, худудларда ўсимликлар клиникалари фаолиятини, биолабораториялар ишини уч-тўрт қарра кўпайтириш — галдаги энг муҳим мақсадимиз бўлиши лозим.



Фарҳод АРЗИЕВ, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари:

— Президентимиз раислигида бўлиб ўтган йиғилишда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини хорижий бозорларга олиб чиқиш, уларнинг экспортини янада ривожлантиришда қа-

рантин чекловларини бартараф этиш масалалари муҳокама қилинди. Албатта, бу йўналишда Ўсимликлар карантини Давлат инспекцияси, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, хориждаги элчихоналаримиз билан биргаликда ишлаб, юртимизда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини дунё бозорларига экспорт қилиш геогрфиясини кенгайтириш бўйича аниқ чора-тадбирларни кўрамиз.

Ҳозирда хорижий давлатлар билан ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини яратиш бўйича ҳам тизимли ишлар олиб борилмақда. Тез орада эркин савдо битимлари доирасида мавжуд карантин чекловларини йўқотиш ёки камайтириш, чет мамлакатлар билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти бўйича ўзаро ҳамкорлик қилиш, кўп томонлама келишувлар имзолаш, мамлакатимизда сертифицициялаш тизимини жорий этиш борасида белгиланган вазифалар ижросини изчил таъминлашни мақсад қилганмиз.



Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги:

— Бугунги йиғилишда Президентимиз томонидан Ўсимликлар карантини соҳасидаги фаолиятни такомиллаштириш бўйича жуда муҳим топшириқлар берилди. Карантиндаги зарарли организмлар Ўзбекистон худудига кириб келиши ва тарқалишининг олдини олишни таъминлаш, шунингдек, ўсимлик ва мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилиши белгиланди.

Ушбу соҳадаги ишларнинг ҳолатини ўрганиш, фитосанитар хавфсизлигини тўлақонли таъминлашга ҳамда хориж мамлакатлари, компания ва корпорациялари билан ташқи савдо алоқаларини кенгайтириш, экспорт салоҳиятини ошириш, маҳсулотларни ташқи бозорларга олиб чиқишга салбий таъсир кўрсатувчи омилларни бартараф этиш масалалари кўриб чиқилди.

Бу каби салбий ҳолатларни бартараф этиш учун илмий салоҳиятини юксалтириш масаласи кун тартибда бўлди. Бу борада чет давлатларда мавжуд сертифицициялаш тизимлари қабул қиладиган лабораторияларни босқичма-босқич Ўзбекистонда ҳам ташкил қилиш, бунинг учун Фанлар академияси ҳузуридаги институтлар, қишлоқ хўжалиги тизимидаги илмий муассасалар салоҳиятини бир жойга тўплаган ҳолда ягона илмий марказ ташкил қилиш кўзда тутилмоқда.

Йиғилишда шунингдек, инновацион технологияларни жорий қилиш, янги илмий салоҳиятга эга кадрлар тайёрлаш ва малакасини оширишнинг таъсирчан тизимини яратиш масалалари ҳам кўрилди. Мазкур масалалар юзасидан Инновацион ривожланиш вазирлигига тегишли топшириқлар берилди. Биз бу масалаларда барча чораларни ўз вақтида кўрамиз.

Матбуот анжумани

ҒАЛЛАЧИЛИКДА ЗАМОНАВИЙ МЕХАНИЗМЛАР

Соҳиба МУЛЛАЕВА, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

Сўнгги йилларда мамлакатимизда уруғчилик институтларига эътибор кучайтирилганига қарамай, нега хориждан келтирилган уруғлар экилади? Хориж қилинадиган дон нархи қандай асосларда белгиланади? Ғаллачиликда бозор механизмига қачон тўлиқ ўтилади?

Бугунги кунда шу каби саволлар ғаллачиликда эътибор қаратилиши лозим бўлган долзарб масалалар сифатида кун тартибдан жой олган. Азалад селекция йўналиши соҳани муаммолари ва оғирлиги жиҳати хисобланиб, сўнгги уч йилда бу борада кўплаб янгиланишлар амалга оширилди. Президентимизнинг 2020 йил 6 мартдаги "Ғалла етиштириш, хариб қилиш ва сотишга бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан эса ғалла учун хариб нархи давлат томонидан белгиланмайдиган бўлди. Бунинг натижасида фермер ҳар йили қанча гектар ерга ғалла экишдан тортиб нарх-наво-сиганга ўзи ҳал қила олади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аҳборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан ўтказилган матбуот анжуманида айтилишича, бу борада вазирлик томонидан жаҳон бозори ва минтақавий биржа нархлари мунтазам равишда ўрганилади ва қутилаётган тавсиявий минимал нархлар ҳар чоракда оммавий ахборот воситаларида эълон қилиб борилади.

Кейинги йилларда ғалла экиладиган майдонлар қисқартирилиб, ўрнига экспорт-боп қишлоқ хўжалиги экинларини экиш йўлга қўйилди, — дейди Қишлоқ хўжалиги вазирлиги пахтачилик бошқармаси бошлиғи Зоҳид Зиёдуллаев. — Маълумотларга кўра, 2021 йил ҳосили учун бошқили дон экинлари 1 миллион 223,9 миң гектар майдонга жойлаштирилиб, ўтган йилга нисбатан 39,5 миң гектар қисқарган. Бундан 9,6 миң гектар майдоннинг ҳиссасига тўғри келса, энг ками — Андижон худудидида 200 гектар ғалла экиладиган сувли майдон бошқа экинларга ажратилмайдиган бўлди. Қолаверса, бу йил ғаллани хариб қилиш ва сотишга бозор тамойилларини жорий этиш мақсадида биринчи марта ҳўимларга имтиёзли кредитга бўлган талабни белгиллаш, фермер ва клас-терларга ажратилаётган кредитларни эркин тасарруф этиш ҳуқуқи берилди. Бундан ташқари, 2021 йил ҳосилидан бошлаб ички

бозорда дон ва нон нархлари барқарорлигини таъминлаш тадбирларини амалга ошириш мақсадида хариб қилинадиган товар дон ҳажмига ўзгартириш киритиш имконияти яратилди.

Тадбирда қишлоқ хўжалиги корхоналари-га берилмайдиган имтиёзлар хусусида ҳам маълумот берилди. Хусусан, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган техникаларни хариб қилувчи қишлоқ хўжалиги корхоналарига банк кредити ставкаларининг 10 фоиз пунктини давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаш ва техника қийматининг 15 фоизи миқдорда субсидиялаш механизми жорий этилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 25 октябрдаги қарори билан сув тежовчи технологияларни жорий этган қишлоқ хўжалиги корхоналарига томчилатиб суғориш тизимлари учун 8 миллион сўм, ёмғирлатиб суғориш тизимлари учун 4 миллион сўм ва дискретли суғориш учун 1 миллион сўм субсидия ажратилиши белгиланган.

Бошқили дон экинларининг уруғчилик тизимини такомиллаштириш фермер хўжалиқларини юқори репродукцияли уруғ билан таъминлаш билан бирга молиявий аҳолини яхшилаш ва соҳанинг илм-фан билан ҳамкорлигини таъминлаш ҳамда илмий асосланган илғор усуллари ва инновацион технологияларни кенг жорий этиш ҳам олдинда турган асосий мақсадлардандир.



Қарор ва ижро

ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ жадал ривожланиш йўлида

Олим НАРЗУЛЛАЕВ,
Тошкент давлат юридик университети
экология ҳуқуқи кафедраси доценти

Инсоният фан ва техника соҳасидаги янгида-янги ютуқларни оддий ҳол сифатида қабул қилишга ўрганиб қолди. Дунё микросида аҳолининг ўсиши табиий ресурслар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабни қондириш, барқарор ривожланиш шароитида инновацион технологияларни жорий этган, норматив-ҳуқуқий базани шакллантирган ҳолда таракқиётга эришиш талаб этилади.

Шу сабабли, мева-сабзавот, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини халқаро сифат стандартлари асосида қайта ишлаш ҳажмларини ошириш, ички ҳамда ташқи бозорларда рақобатбардош бўлган маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари турларини ишлаб чиқаришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини жорий этиш ҳамда аҳолини сифатли ва хавфсиз маҳсулотлар билан таъминлаш асосий мақсад ҳисобланади.

Президентимизнинг 2020 йил 9 сентябрдаги “Республика озиқ-овқат соҳасини жадал ривожлантириш ҳамда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлақонли таъминлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори айнан ушбу вазифаларни амалга оширишга қаратилган.

Таҳлил ва ҳулосалар

“Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги қонун аҳолини сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулоти билан таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб беради. Ўзбекистоннинг ноёб туپроқ-иқлим шароити, мамлакатимизда қуёшли кунлар бир йилда ўртача 320 кун бўлиши, барча тўрт фаслнинг изчил алмашинуви кенг турдаги юқори сифатли мева ва сабзавотларнинг асосий навларини етиштириш учун қулай имкониятлар яратди.

Қарорда қайд этилганидек, мамлакатимизда сўнгги йилларда қурилган чоралар натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг экспорти 2017 йилдагига нисбатан 2019 йилда 2 баравар қўлайишига, йилга 10 миллион тоннадан ортиқ сабзавот, 17 миллион тоннадан ортиқ бошқа деҳқончилик маҳсулотлари ва 2,5 миллион тонна гўшт етиштиришга эришилди.

90-йилларда аграр ўлка бўлган, пахта ақжақимлиги авж олган Ўзбекистонга картошка, дон, сабзавот, гўшт ва сут маҳсулотлари четдан олиб келинган. Ваҳоланки, бу маҳсулотларни ўзимизда, серхосил далапаримизда

етиштириш мумкин эди. Лекин етиштирилмаган. Ҳозирги кунда 96 фоиз озиқ-овқат маҳсулотлари ўзимизда ишлаб чиқарилапти ва ортгани четга экспорт қилинапти. Инсон саломатлиги, унинг узоқ ва мазмунли умр кўриши тўғрисида мутаносиб равишда асосида овқатланишни таъминлаш билан чамбарчас боғлиқ экани, мева ва сабзавотларнинг энг муҳим таркибий қисми бўлиши зарурлиги ҳеч кимга сир эмас.

Қарорда кўрсатилган муаммолар масала, яъни етиштирилмаган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг халқаро стандартлар ва хавфсизлик талабларига тўлиқ жавоб бермаслиги, озиқ-овқат ишлаб чиқарувчилар ва экспортёрлар орасида ўзаро муносабатлар тўғрисида қўйилмагани мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш ва янги бозорлар очилишига тўсқинлик қилмоқда. Бу борада норматив-ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш, давлат стандартларини ишлаб чиқиш, озиқ-овқат ишлаб чиқарувчилар ва экспортёрлар ўртасида муносабатларни тўғрисида қўйишга алоҳида эътибор қаратилади.

Қарорга қўра, Қишлоқ хўжали-

ги вазирлиги зиммасига бешта йўналишдаги янги вазифалар юклатилди. Яъни улар:

қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат соҳасидаги корхоналар ўртасида ўзаро манфаатли муносабатлар учун шароитларни янада яхшилаш ва янги имкониятлар яратиш;

ҳудудларнинг мавжуд табиий ва иқтисодий ресурсларидан унумли фойдаланишни таъминлаш асосида озиқ-овқат соҳасини ривожлантиришнинг стратегияси ва моделларини ишлаб чиқиш;

қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат соҳасидаги тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашнинг молиявий ва номолиявий чоралари — янги воситалар ва ахборот тизимларини яратиш; озиқ-овқат соҳасининг ривожланишига хусусий ва тўғридан-тўғри чет инвестициялар оқимининг таъсирини таҳлил қилиш, прогнозлаш ва бу борада тегишли таклифларни ишлаб чиқиш;

маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотларини жаҳон бозорларида илгари суриш, экспорт салоҳиятини кенгайтириш ҳамда импорт ҳажмининг камайтириш чораларини кўришни кўзда тутиган вазифаларни қамраб олади.

Тузилмалардаги ўзгаришлар



Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва инфратузилмани ривожлантириш бошқармаси негизда бошқарув ходимларининг чекланган сони 12 та штат бирлигидан иборат Озиқ-овқат соҳасини ривожлантириш бошқармаси ташкил этилди. Мазкур бошқарма раҳбари қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосари ҳисобланади.

Қарорга мувофиқ, “Ўзбекиқошқоқхолдинг” холдинг компаниясини тугатиш белгиланган. Тугатиш асослари ва тартиби норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ тузилган комиссия томонида амалга оширилади. Ушбу қарор билан унинг таркиби ҳам тасдиқланган. Бу борада Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш, Молия вазирликлари, Давлат активларини бошқариш агентлиги ва “Ўзбекиқошқоқхолдинг” ХКнинг таклифлари ҳисобга олинган.

20 миллиард сўм маблағ сарфланади

Қарорда белгилаб берилганидек, бу маблағлар Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Қишлоқ хўжалиги ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жамғармасига ўтказилади.

Бу маблағ озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича илк маротаба ташкил этилаётган истиқболли лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосланганини тайёрлаш ҳамда уларнинг инфратузилмасини таъминлаш билан боғлиқ харажатларнинг 50 фоизини, лекин ҳар бир лойиҳа учун 100 миллион сўмдан кўп бўлмаган миқдорда, озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш ва уларни чуқур қайта ишлаш соҳасига хорижий экспертларни жалб қилишга сарфланган харажатларнинг 50 фоизини, лекин ҳар бир лойиҳа учун 50 миллион сўмдан кўп бўлмаган миқдорда қоплашга йўналтирилади.



Кадрларга бўлган эҳтиёж қандай ҳал этилади?

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш, Олий ва ўрта махсус таълим, Қишлоқ хўжалиги вазирликлари ҳамда бошқа манфаатдор идоралар 2021-2022 ўқув йилидан бошлаб республика ОТМнинг “5321000-Озиқ-овқат технологияси (маҳсулотлар турлари бўйича)” ҳамда “5410500-Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлаш технологияси (маҳсулотлар турлари бўйича)” таълим йўналишлари бўйича бакалавриятнинг кундузги ва сиртки таълим шаклларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрларини босқичма-босқич амалга ошириб бориш чораларини кўради.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда 2020 йил 1 декабрга қадар озиқ-овқат технологиялари соҳасида замонавий техника ва технологияларни жорий этган етакчи корхона, ташкилотлар ва муассасалар билан талабаларнинг амалиётларини ўтатиш асосида ўзаро ҳамкорлик урнатилиш чораларини амалга оширади.

Янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинади

Озиқ-овқат соҳасини ривожлантириш бошқармаси фаолиятини йўлга қўйиш бўйича ҳукумат қарори тайёрланади, қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгаришларни қўйиш чоралари киритилади.

2021 йил 1 январга қадар республикада қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларига мавжуд ички талабни ҳисобга олган ҳолда, 2021-2023 йилларга мўлжалланган соноатбол қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кенгайтириш дастури ишлаб чиқилади. 2021 йил 1 мартга қадар мева-сабзавот, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлашни жадал ривожлантириш дастури ишлаб чиқиши ва тасдиқланиши белгиланган.

Янгича ёндашувлар

Бугун ҳаётимизни рақамли технологияларсиз тасаввур этиш қийин. Айниқса, мамлакатимизда рақамлаштириш жараёни жадал кечаётган бир вақтда ҳар бир давлат органи ўзининг қоғоз кўринишидаги маълумотлар базасини электрон ҳолатга келтирмасдан туриб аҳолига сифатли хизмат кўрсатишда ижобий натижаларга эриша олмайди. Бу борада Давлат хизматлари агентлигида ҳам тизимли ишлар амалга ошириляпти. Президентимизнинг 2020 йил 31 январдаги “Давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони асосида агентлик томонидан кўрсатилаётган давлат хизматлари тури 143 тага етказилиб, уларнинг барчаси (тадбиркорлик субъектларини қайта рўйхатдан ўтказишдан ташқари) республика бўйича экстерриториал тамойил асосида кўрсатиш йўлга қўйилди.



ФХДЁ:

ЗАМОНАВИЙ ХИЗМАТ ИМКОНИЯТЛАРИ

74,4

ТИЗИМДА МАЪЛУМОТЛАРНИНГ ФОИЗИ РАҚАМЛАШТИРИЛДИ



Улуғбек МУҲАММАДИЕВ,
Давлат хизматлари агентлиги
директори

Ушбу хизматлардан фойдаланишда аҳолига янада қулайлик яратиш мақсадида электрон рақамли имзо сертификатини онлайн олиш, тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш билан бир вақтда 30 та тижорат банкида онлайн ҳисобрақамлар очиб имконияти яратилди. Кўрсатилган давлат хизматлари учун давлат божи, йиғимлар ва бошқа тўловларни электрон тўлов тизимлари (Click, Payme, Uray, Paynet, Uzcard, Oson, Websum ва барча банк мобил тўлов иловалари) орқали тўлаш тизими, давлат хизматлари кўрсатиладиган 84 та марказда нақд пул қабул қилиш механизми жорий қилинди. Электрон алмашинуви жараёнида муаммолар юзга келмаслиги учун барча марказлар оптик толали юқори тезликдаги интернет билан таъминланди.

Айни вақтда Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги (ЛБМА) билан биргаликда давлат ташкилотларида фойдаланиладиган қоғоз кўринишидаги ҳужжатларни рақамлаштириш бўйича чора-тадбирлар режаси тасдиқланиб, унга киритилган ташкилотлар ўзларининг электрон маълумотлар базаларини шакллантирмоқда.

ЭЛЕКТРОН ТИЗИМ

Дарҳақиқат, хизмат кўрсатиш жараёнини автоматлаштириш, барча соҳаларда замонавий ахборот технологияларини жорий этиш давр талабига айланди. Инсонлар қувончли ва қайғули кунларида мурожаат қиладиган ФХДЁ органлари фаолияти ҳам бундан мустасно эмас. Президентимизнинг 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан ФХДЁ органлари жорий йилнинг 1 апрелидан бошлаб маҳаллий ҳокимликлар тасарруфидан Давлат хизматлари агентлиги тасарруфига ўтказилди. Ташкилот фаолиятини такомиллаштириш бўйича бир қатор қарорлар қабул қилинди.

ФХДЁ органлари фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш, ундаги хизмат кўрсатиш ва ҳужжатлаштириш жараёнини рақамлаштириш бошлаб юборилди. Одамларни узоқ йиллардан бери қийнаб келатган ҳужжатларни тақдим этиш билан боғлиқ сарсонгарчиликлар, ортиқча вақт ва харажат сарфлаш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида аҳолига хизмат кўрсатишининг тезкор электрон шаклла-

ри йўлга қўйилди. Ана шу саъй-ҳаракатлар натижасида ҳозирга қадар ФХДЁ соҳасидаги маълумотларнинг 74,4 фоизини рақамлаштиришга эришилди.

Жумладан, далолатнома ёзувлари ва гербли гувоҳномаларни “ФХДЁ ягона электрон архиви” ахборот тизими орқали электрон шаклда бланкаларда чоп этиш тизими ишга туширилиб, бунинг учун ФХДЁ органлари махсус принтер ва компьютер қурилмалари билан таъминланди. Ташкилот томонидан олинган йиғим ва давлат божларини ундириш жараёни тўлиқ биллинг тизимига ўтказилиб, тўловларни электрон тизимлар орқали тўлаш имконияти яратилди.

БИТТА СЎРОВНОМА ҲАЛ ЭТАДИ

Одамларга янада қулайлик яратиш мақсадида Давлат хизматлари агентлиги томонидан жорий йилнинг 1 сентябридан бошлаб барча ФХДЁ органларида туғилиш билан боғлиқ комплекс давлат хизматларини кўрсатиш тартиби жорий этилди. Мазкур янги тизим орқали фуқаролар эндиликда туғилганлик ҳолатини қайд этиш, поликлиникага ҳисобга қўйиш, бир марталик нафақа пулини олиш, яшаш жойи бўйича рўйхатга қўйиш, болани давлат боғчасига навбатга қўйиш каби бир қанча жараёнларни биргина ФХДЁ идорасига бориб, сўровнома тўлдириш билан ҳал этиши мумкин бўлади. Бунда барча харажатлар электрон тизим ёрдамида қиска вақтда амалга оширилади. Кўрсатилган ҳар бир давлат хизмати натижаси бўйича фуқароларга СМС хабар бериб борилади.



Кўрсатилган давлат хизматлари учун давлат божи, йиғимлар ва бошқа тўловларни электрон тўлов тизимлари (CLICK, PAYME, URAY, PAYNET, UZCARD, OSON, WEBSUM VA BARCHA BANK MOBIL TULOV ILOVALARI) ORQALI TULASH TIZIMI, DAVLAT XIZMATLARI KURSATILADIGAN 84 TA MARKAZDA NAQD PUL QABUL QILISH MEХАНИЗМИ ЖОРИЙ ҚИЛИНДИ.

Аваллари ушбу давлат хизматларидан фойдаланиш учун камида 6 та давлат идорасига 15 тадан ортиқ ҳужжат ва маълумот топширилган эди. Бунинг учун фуқаролар 10 кундан ортиқ вақт давомида давлат идоралари орасида эшикма-эшик юришларига тўғри келарди. Янги тартиб асосида давлат хизматларининг реал вақт режимида, фақатгина ФХДЁ органининг ўзида комплекс тарзда кўрсатилиши эса одамларимизнинг овозгарчилигига чек қўйиб, вақти ва нақдини тежашга хизмат қилади.

Айни вақтда Тошкент шаҳрида синов тариқасида жорий этилган ушбу қулай ва замонавий тизимдан аллақачон 25 мингдан ортиқ фуқаро фойдаланишга улгурди.

ҲАМ ТЕЗКОР, ҲАМ ҚУЛАЙ

Юқоридаги имкониятлар ФХДЁ тизимида амалга оширилиши режалаштирилган ишларнинг бошланиши, холос. Биз ушбу йўналишда янада кўпроқ янгиликлар, аҳолига қулайлик яратадиган ислохотлар қилишда давом этиляпти. Хусусан, ФХДЁ органларини туғилиш, ўлим, никоҳ ва ажрим тўғрисидаги гербли гувоҳномалари билан Давлат хизматлари агентлигининг бюротмаларига асосан тўғридан-тўғри таъминлаш тартиби жорий этилмоқда. Яъни ФХДЁ ва Ўзбекистоннинг хориждаги дипломатик миссияларига тегишли гербли гувоҳномалар ўз эгаларига янада тезкорроқ етказилади.

Тизимда бир қатор ҳужжатларни олиш тартиби ҳам соддалаштирилди. Масалан, фуқаролик ҳолатлари, жумладан, никоҳ ёки туғилганликни қайд этиш эндиликда фақат гербли гувоҳномалар тақдим этилгандагина эмас, балки ФХДЁ архиви маълумотномалари асосида ҳам амалга оширилиши мумкин. Шунингдек, бола туғилганда бериладиган суюнчи пули, дафн маросими учун бир маротабалик нафақа пулларини олиш учун тақдим этиладиган маълумотлар қўлма-қўл фуқароларга берилмасдан, Пенсия жағмармасига махсус электрон тизим орқали тўғридан-тўғри юбориладиган бўлади. Бу орқали фуқаролар бевосита Халқ банкининг тегишли туман (шаҳар) бўлимларидан нафақа пулларини олиши таъминланди.

Одамларни узоқ йиллардан буюн қийнаб келатган бошқа масалаларга ҳам аста-секин ечим топилаётган. Шундай муаммолардан бири 16 ёшдан ошган, туғилиши қайд этилган шахсларнинг туғилганлигини қайд этиш фақат суднинг ҳал қилув қарори асосида амалга оширилиши эди. Аммо бу борада ҳам тегишли ўзгаришлар киритилди ва энди зарур тиббий маълумотнома мавжуд бўлса, унинг туғилиши ота-она ёки улардан бири ва вояга етган боланинг аризасига қўра ФХДЁ органи томонидан қайд этилади.

Ушбу хизматларнинг аниқ ва сифатли бажарилишини таъминлаш мақсадида Давлат хизматлари агентлиги ўз сафларини салоҳиятли кадрлар билан тўлдиришга интилоқда. Бунинг учун агентлик ишни, биринчи навбатда, тизимда фаолият юритаётган ходимларни аттестациядан ўтказишдан бошлади. Шаффофликни таъминлаш учун синовлар Адлия вазирлиги мутахассислари томонидан ўтказилиб, юқори таърибли кадрлар сараланди.

Бундан ташқари, ФХДЁ органларида техник ходим — архивариус лавозими тугатилиб, бошқарувчи ҳисобланмиш 1 ва 2-тоифали инспектор лавозимлари жорий этилди. Яъни соҳага тегишли маълумотга эга, ташаббускор, малакали кадрлар жалб қилинади. Бу эса рақамлаштириш тизимига фаол ўтиб бораётган ФХДЁ органлари фаолиятида профессионаллик, аҳолига тезкор ва сифатли хизмат кўрсатиш имкониятини яратаяпти.

Илм-фан

НАЗАРИЯДАН — АМАЛИЁТГА

тадқиқотларнинг сони эмас, натижаси муҳим



Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2016 йил 30 декабрь кuni мамлакатимизнинг етакчи илм-фан намоёндалари билан учрашувда иқтисодийнинг барча соҳалари тараққийотида илм-фаннинг ўрни, аҳамияти фоят катта экани, бу борада давлат биринчи галда Фанлар академияси ва олимларга суйанишини, фан ва ишлаб чиқариш ҳамкорлиги бугун низоҳатда долзарб эканини алоҳида таъкидлаган эди.

Бугунги кунда мамлакатимизда илм-фан ривожига катта эътибор қаратилаётган. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 17 февралда қабул қилинган "Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори иқтисодийнинг инновацион ривожланишида академик фаннинг аҳамиятини янада ошириш, ЎзФАНнинг нуфузини юксалтириш ва фаолиятини такомиллаштириш, илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни бошқариш ва тартибга солишни янада тизимли рағбатлантириш, шунингдек, Ўзбекистонни иқтисодий-иқтисодий ривожлантиришда илм-фаннинг ўрнини ошириш борасида муҳим қадам бўлди. Бунинг натижасида Фанлар академияси тизимидagi институтлар фаолияти янги асосда ташкил этилмоқда. Асосий эътибор илмий изланишларнинг натижадорлигига қаратилмоқда.

Ўзбекистон Фанлар академияси Ядро физикаси институтининг ташкил этилганига 60 йилдан ошди. Унда, асосан, ядро физикаси ва ядровий технологиялар соҳасида илмий-тадқиқотлар қилинади. Бугунги кунда дунё миқёсида атом ядроси ва элементар зарралар физикаси, ядро тузилми назарияси алоҳида эътибор қаратилади. Шунингдек, амалий радиоактив, радиоизотоплар ва улар асосида радиофармацевтик препаратлар ишлаб чиқариш, иқтисодийнинг турли тармоқлари учун радиацион прибор ва ускуналар тайёрлаш, опто ва микроэлектроника учун янги материаллар олиш тобора ривожланмоқда. Институт директори, техника фанлари доктори Илҳом Содиқов билан муассасанинг бугунги илмий салоҳияти, амалга оширилаётган тадқиқотлар хусусида суҳбатлашдик.

— Институтимизнинг ўз тарихи, қолаверса, илм-фан соҳасида эришилаётган ютуқларда ўрни ва салоҳияти бор, — деди Илҳом Содиқов. — Олимларимиз ўтган асрнинг 80-йилларига космик кемаларнинг иллюминаторлари учун коинотдаги юқори радиоактив нурланганларга чидамли материал ихтиро қилиш бўйича кенг қўламли илмий изланиш ва тадқиқотлар олиб боришган. Бунинг натижасида рангсиз (шишасифат) топаз тошлар нейтронлар оқимида нурланилганда, чиройли қўқ ранга кириши аниқланган. Топаз жуда муштақам ва чиройли ярим қимматбахо тош бўлиб, ранглиси, асосан, заргарлик юмолари тайёрлашда ишлатилади. Табиий топазнинг атиги 3-5 фоизи рангли, қолгани рангсиз бўлади. Ер қаърида табиий радиоактивлик таъсирида юз минглаб йиллар мобайнида ҳосил бўладиган рангли биз ядро реактори ёрдамида бир неча соатда ҳосил қилиш имконига эга бўлдик. Рангсиз топаз фақат техник мақсадларда ишлатилади, ранглисининг нархи рангсизига нисбатан бир неча ўн марта қимматроқ туради. 2000 йилларнинг бошида олимларимизнинг тадқиқот натижалари асосида табиий топаз тошларга радиационий ранг бериш технологияси ишлаб чиқилди. 2005 йилдан бошлаб институт ҳар йили 1 тоннадан ортиқ тоша ранг киритиш бўйича чет эл шартномасини бажаради, бу эса институт учун йилга 300 миң АҚШ долларига яқин даромад келтиради.

70-йилларнинг ўрталарида институтимизда собиқ иттифокда ягона бўлган тоза ва ўта тоза моддаларнинг анализи лабораторияси ташкил қилинди. Бу лабораторияда замонавий техниканинг турли соҳаларида қўлланиладиган ўта тоза моддалар таркибидagi миллилардан, триллиондан бир улшдаги микроаралашма элементларни аниқлаш имконини берадиган ўта юқори сезгирликдаги анализ ускуллари ишлаб чиқилди. Замонавий электрониканинг асосини ташкил қиладиган микросхемалар тайёрланганда ўта тоза кремний таркибидagi аралашмалар миқдори 10^{-8} фоздан 10^{-12} фозгача ва ундан ҳам кам бўлиши керак. Ўта юқори сезгирликдаги анализ ускулларидан фойдаланмай туриб бундай моддаларни олиб бўлмайди. Тасаввур қилинг, 100 миллион тонналик кум тоғи ичидаги 1 грамм олтин заррачасини аниқлаш керак. Ҳозирги кунда фақат ядровий физикавий усуллардагина бундай юқори сезгирликда аниқлаш мумкин.

XXI аср илм-фан соҳасида нанозаррачалар ҳосилларини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар билан кириб келди. Аср бошида аниқ фанларнинг деярли барчасида нанозаррачалар билан боғлиқ ишлар режалаштирила бошланди. Бизнинг институтимизда ҳам бу соҳада турли тадқиқотлар ўтказилди. Ана шу тадқиқотлардан бирининг махсуси сифатида кумуш нанозаррачалари тугган сувли ва органик эритма олувчи ва ишлаб чиқарувчи қўрилма яратилди. Кумуш дезинфекцияловчи хусусиятга эга. Шу сабабли

сув айнамаслиги учун азалдан унга кумуш танга солиб қўйилган. Кумушнинг бу хусусияти, асосан, унинг ион эмас, атом ҳолатида намоён бўлади. Шунинг учун уни эритиш эмас, балки майда заррачалар ҳолида эритмага сочиш муҳим аҳамиятга эга. Бундай эритмалар бактерицид совунлар ва бошқа косметик воситалар, бактерицид бўёқлар бактерицид юз ниқоблари турли қўпланмалар ва ичимлик сув олишда қўлланилади. Ҳозирги кунда институтда қўлаб ҳамда шундай эритмалар ва буюртма асосида нанозарралар кумуш эритма олувчи қўрилмалар ишлаб чиқарилмоқда.

Шу ўринда олимларимизнинг яна бир тадқиқоти тўхталсак. Бу — нейтрон томографияси усули. Шу йилнинг май ойида институтимизда янги, нейтрон томографияси қўрилмаси синавдан ўтказилди ва ишга туширилди. Бу усул инсталган материалдан тайёрланган, исталган шаклдаги буюмни 3 ўлчамда тавсифлаш мумкин. Фараз қилинг, археологлар ер остидан бир оғзи берк хум топиб олишди. Бу қандай материалдан тайёрланган, унинг ичиди нима бор, оғзи очилса нима бўлади — ҳеч ким билмайди. Буни нейтрон томографияси ва институтда мавжуд рентген дифракцияси ва рентген флуоресценцияси ускулларида очмай, намуна олмай, бузмай туриб қандай материалдан тайёрлангани, қалинлиги қанча, қаерида қандай ёриқ ёки синиш хавфи бор, ичиди нима борлигини аниқлаб, шакли ва ўлчамларини ўлчаб,

2005 ЙИЛДАН БОШЛАБ ИНСТИТУТ ҲАР ЙИЛИ 1 ТОННАДАН ОРТИҚ ТОША РАНГ КИРИТИШ БЎЙИЧА ЧЕТ ЭЛ ШАРТНОМАСИНИ БАЖАРАДИ, БУ ЭСА ИНСТИТУТ УЧУН ЙИЛГА 300 МИНГ АҚШ ДОЛЛАРИГА ЯҚИН ДАРОМАД КЕЛТИРАДИ.



3 ўлчамли суратини олиш мумкин. Ёки, масалан, бирор қалин пўлат лист букилиб ундан детал ясалди, шу букилиш натижасида унинг ички структурасида кўз билан кўриб бўлмаган қандай ўзгариш (деформация) юзга келади ва бу ўзгариш ушбу деталнинг муштақамлигига қандай таъсир қўрсатади, деган саволга олдиндан жавоб топиш мумкин. Бу ҳозирги кунда республикаимизда ягона қўрилма бўлиб, материалшунослик, асбобсозлик, археология, криминалистика ва яна кўп соҳаларда бошқа ускуллар билан умуман олиб бўлмайдиган натижаларга эришиш имкониятини беради.

Бу тадқиқот ва натижалар, албатта, институтимизда бажарилган ишлардан бир миқдор, ҳолос.

— Амалий радиоактив, радиоизотоплар ва улар асосида радиофармацевтик препаратлар ишлаб чиқариш, иқтисодийнинг турли тармоқлари учун радиацион прибор ва ускуналар тайёрлаш бўйича яратилган амалий ядротехнологиялар хусусида тўхталсангиз.

— Собиқ иттифок даврида Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ядро физикаси институти активациявий таҳлил ва радиоактив бўйича бош ташкилот саналарди. Шундан бўлса керак, 1976 йили институтимизда радиофармацевтик препаратлар ишлаб чиқарувчи "Радиопрепарат" корхонаси ташкил этилган. Бу корхона томонидан 1978 йилдаёқ иттифокда биринчи технеций генератори ишлаб чиқарилиб, экспорт ҳам қилина бошланди. Ҳозирги кунда институт 50 дан ортиқ радиофармацевтик препарат ишлаб чиқариб, республикамиздаги талаб ва эҳтиёжни тўлиқ қондиради. Дунёнинг ундан ортиқ давлатига ҳар йили ўртача 3 миллион АҚШ доллари миқдорида махсуслот экспорт қилади.

Институтнинг 4 та асосий тадқиқот йўналишидан бири илмий асбобсозлик ҳисобланади. Бу соҳада қўлаб тадқиқотлар ўтказиб келинган ва буларнинг натижасида 1979 йили "Радиацион техниканинг махсус конструкторлик бюроси" номи шўъба корхона тузилди. Ҳозирги кунда у "Тажриба заводи эга конструкторлик бюроси" деб номланади. Институтда ишлаб чиқарилган радиацион сатҳ ўлчашчилар ҳозирги кунда Бухоро ва Фарғона нефтни қайта ишлаш заводларида ишлаб турибди. Республикаимизнинг қирққа яқин чегара постига институтимиз ходимлари томонидан ўрнатилган радиоактив ва ядровий материалларни аниқловчи портал мониторлар фаолият қўрсатмоқда. Бу мамлакатимиз ҳудудига ҳаво, темир йўл ва автомобиль транспорти орқали ва ҳатто пиёда олиб кириладиган ёки олиб чиқилаётган радиоактив моддалар ва ядровий материалларни аниқлаш ва уларнинг трафики олдини олиш имконини беради.

Яна бир тадқиқот натижаси — сув тозалаш ускуналари. Ҳозирги кунда институтда минутага 3 литр сувни тозаловчи фильтрлардан тортиб соатига 25 м³ сувни тозалаш берувчи ярим санат ускуналарига ишлаб чиқарилмоқда. Аҳоли ва корхоналарда талабдор бу ускуналар ҳар қандай табиий сув ҳавзаларидаги сувни тузсизлантириб, юмшатиб, бактерия ва вируслардан зарарсизлантириб, тоза ичимлик сув даражасига келтиради. Бу ускуналар институтнинг тажриба заводида ишлаб чиқарилиб, ҳатто электр токи йўқ ўзоқ ҳудудларда ашовчи аҳоли учун буюртма асосида қўйиб батареялари билан жиҳозланган автоном ишловчи қўрилма сифатида ҳам эса берилиши мумкин.

— Ҳозирги замонавий тиббиётнинг асосий ютуқларидан бири ядровий тиббиётдир, яъни ядро физикаси ютуқларининг тиббиётга таъбиқ этилишидир. Ядро тиббиёти учун радиоизотоплар ишлаб чиқилиш институтнинг асосий йўналишларидан саналади. Айни пайтда ишлаб чиқариладиган радиоизотоплар қайси мақсадларда қўлланилмоқда?

— Ядро тиббиёти ускуллари тиббиётда аниқ ташхис қўйиш ва самарали даволашда жуда муҳим. Бу усул, айниқса, саратон касалликлари ва касалликлар ўчоғини даволашда кенг қўлланилади.

Онкологик жараёнларнинг эрта диагностикаси тиббиётнинг долзарб масаласи ва улкан ютуқларидан бири ҳисобланади. Эрта ташхис организмнинг касалликлардан эрта ва тўлиқ халос бўлиши учун замин яратди. Кимё терапияси ва бу турдаги дори воситаларини қабул қилишда улар бутун организмга сингади, бу эса нуклея таъсирларга сабаб бўлади. Радиотерапияда эса препарат манзилли тарзда фақат касалликдан зарарланган майдонларга йўланади. Онкология нуклея назаридан препарат фақат ўсма ҳужайраларига таъсир қиладди, соғломларига зарар етказмайди. Шу тарзда соғлом ҳужайралар ва, умуман, организм бу препаратларнинг умумий таъсиридан зарар кўрмайди.

Иккинчидан, ядро тиббиётининг самараси жуда юқори. Масалан, ҳозирги кунда лютеций-177 асосидаги шундай препарат пайдо бўлдики, илмий тадқиқотлар асосидаги мақоаларга таянган бўлсак, унинг таъсирида баъзи турдаги ўсмалардан соғайиш кўрсаткичи 99 фоизгача етиши мумкин. Бошқа ускуллар билан ҳозирча бундай натижаларга эришиб бўлмаяпти.

Сўнги 8-10 йил давомида самарий-153 оксабифор препаратини кенг қўлланила бошланди. Бу препарат суяқлардаги кучли оғриқлар қўзғатувчи ўсмалар метастаз берганда ва бошқа суяк касалликларида ортосизлантириш ва даволаш мақсадида ишлатилади.

1978 йилда бизда илк бор технеций-99m радионоқлид генератори олинган. Бу энг универсал радионоқлид бўлиб, ҳар хил хасталиқларнинг диагностикасида ишлатилади. Бугунги кунда дунё бўйича радионоқлидлар иштирокида ўтказиладиган барча ташхис муложаларининг 85 фозидан ортиғи айнан технеций-99m ёрдамида амалга оширилади. Технеций-99m радионоқлидин олишда ишлатилдиган молибден-99 радионоқлидин Японияга катта миқдорда етказиб бериш бўйича бир қатор компаниялар билан музокаралар ўтказилмоқда. Бу биз учун яна бир янги, йирик экспорт бозорини очиб имконини беради.

— Институтда COVID-19га қарши кураш доирасида қандай изланишлар қилинмоқда?

— COVID-19 пандемияси пайтида шу касалликка қарши курашишда асқотиши мумкин бўлган ҳар қандай янги даволаш усули, дори воситаси, вакцина ёки уни тез ва ишончли аниқлаш усулининг яратилиши устида дунё олимлари изланиш олиб бормоқда. Шулар қатори бизнинг институтимиз ҳузурида "Радиопрепарат" корхонаси ҳам коронавирусни аниқловчи экспресс иммунотест яратиш устида ишламоқда. Бу тадқиқот ҳадемай ниҳоятда етади ва корхона томонидан ҳозирча чиқарилаётган 10 дан ортиқ юқумли касалликни аниқловчи иммунотестлар қаторига COVID-19ни тезкор аниқловчи янги восита қўшилади.

Рисолат МАДИЕВА,
"Янги Ўзбекистон" муҳбири

1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни

"Ўз касбини сева олган одам саодатлидир. Чунки унинг қиладиган иши ва мақсади бор", деган эди донишмандлардан бири. Шу маънода сўз юритадиган бўлсак, Узун туманидаги Маландиён қишлоғида яшаётган 92 ёшли отахон Ёрали Хидиров 38 йил бир мақсадни дилига тугиб, яъни ҳамқишлоқларининг фарзандларига ҳарф ўргатиш, уларни илмли қилиш учун фидокорона меҳнат қилди. Ўқитувчилик маошига рўзгор тебратган бу камтар инсон ўғил-қизларини ҳам қаноат билан яшашга, мазмунли умр кечиришга ўргатди.



ДАРЁГА КЎПРИК ҚУРГАН МУАЛЛИМ

Усмонали НОРМАТОВ

Фахрий муаллим билан қишлоқ йўлидан борарканмиз, кекса-ю ёш устоз деб салом-алик қилар, "уйга ўтинг, чойлашиб обдон суҳбатлашайлик", деб меҳмондорчиликка таклиф этишарди. Чунки хурматли муаллимнинг шоғирдлари сон-саноксиз. У кишидан илк бор сабоқ олган ўқувчиларининг энг ёши ҳам ҳозир олтидан ошди.

Мақтаб қўрган инсон борки, у таълим даргоҳидаги бошқа фан ўқитувчиларини эслай олмаслиги мумкин, лекин мактаб оstonасига илк қадам босганда партага ўтириш, ёзиш-чиқиш ҳамда санокчи ўргатган бошланғич синф ўқитувчисини умрбод унутмайди, унуттолмайди. Ёрали бобо Хидиров Маландиён қишлоғидаги 6-умумтаълим мактабида қишлоқ болаларининг ҳаммасига "Алифбе"дан сабоқ берган. Эл орасида билимдон ўқитувчи сифатида танилган Ёрали бобонинг узоқ йиллик педагогик фаолияти ўз даврида муносиб тақдирланган. Кўксини бир неча медал ва орден беэаб турган Ёрали Хидировга 1992 йилда "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси" фахрий унвони берилган.

Ўз касбидан обрў-эътиборга эришган устознинг шоғирдларидан бири, узоқ йил ўқитувчилик қилган, айни пайтда кесаллик гаштини сураётган Иззатулла Бобониезов бундай дейди:

— Ўтган асрнинг элгинчи йилларида тоғли Маланд қишлоғида Ёрали домла бизга дарс берганлар. У пайтлар, айниқ-



са, тоғ қишлоқларида ҳали электр етиб бормаган, шунчалар фидойи эканларки, эринмай кечалари керосинли плита чироқ қўриб хонадонма-хонадон кириб, ўқувчиларининг дарс тайёрлашини назорат қиларди. Агар дарсимизни қилмаган бўлсак, ота-онамизга танбеҳ бериб, бошимизда туриб дарс тайёрларди. Домланинг қаттиққўллиги, фидойилиги сабаб тоғлик болаларнинг аксарияти вақти-соати етиб улуғ инсонлар бўлиб камол топишди. Устознинг жонқурлигини сира унутиб бўлмайди.

Ёрали бобо нафақага чиққанда ҳам тиниб-тиничмади. Деҳқончилик қилди, чорвачилик билан шуғулланди, толган даромадининг рўзгоридан органини хажга боришдек улуғ ният учун жамғарди. Ҳамма ҳужжатлар тахт қилинган, ҳаж сафари учун навбат ҳам келиб турганди. Аммо устозга 2003 йил хажга бориш насиб этмади. Уша йили Харқуш дарёсига кучли сел келиб, қишлоққа ўтадиган кўприкни оқизиб кетди. Ёрали ота бу ҳолга томошабин бўлиб туролмасди. Ҳаж зиёрати учун йиққан маблағини дарё устида қишлоққа ўтадиган кўприк қуришга сарфлади. Ҳозир қишлоқнинг каттаю кичиги бу кўприкни "Ёрали бобо кўприги", деб атайди.

Кекса устоз ўзи ишлаган даврдagi шароит билан бугунги кундаги имкониятларни таққослаб шундай дейди:

— Ўқитувчилик қилган йилларимни эсласам, юрагим орқага тортиб кетади. Сентябрь ойи бошидан пахта теримига чиқиб кетар, декабрь охирида мактабга қайтардик. Илм масканига энди чиққан болалар ҳам айни билим олиш даврида пахта терарди, — дейди Ёрали Хидиров. — Боз устига, май ойи бошландими, яна ўқитувчию ўқувчию ватанимга мададкор бўлайлик" деб ўза яғанасига жалб қилинарди. Пилла териш, чорва учун ашак тўлаш, қўча тозалаш, қўчат экиш ҳам ўқитувчи билан ўқувчилар зиммасига тушарди. Бугун эса ўқитувчию ўқувчилар мажбурий меҳнатдан озод. Ўқитувчиларга қатор имтиёзлар бериляпти, устознинг жамиятдаги обрўси, мавқеи ошиб борапти. Яқинда матбуотдан ўқидим, "Ўқитувчи мақоми тўғрисида"ги қонун лойиҳаси тайёрланибди. Ўқитувчининг жамиятдаги нуфузи юксалаётганини, касб фидойиларига беқисс ғамхўрликлар қилинаётганини эшитиб, қани энди ёш бўлсам-у, ватанимга хизмат қилсам, деган ўй-хаёллар билан ўқитувчилик қиладиган йилларим Турсунали, Юсуфали, Фазлиддин, қизим Хуршида, набираларим Фотиҳ, Ганжина, Амриддин, Меҳрангиз, Фарангиз, Бонуно доимо виждонан ишлагашга давъат этаман.

Дарвоқе, ўқитувчилик касби туфайли обрў толган Ёрали бобо Хидировнинг фарзандлари ҳам ота изидан бориб, муаллимликни танлашди. Тўнғич фарзанди Турсунали ўттиз йилдики, ёшларга сабоқ бериб келяпти, ўн йилдан буён Ўзун туманидаги 4-айрим фанларга иктиссозлаштирилган мактаб директори. Юсуфали 15 йилдан ортиқ 6-умумтаълим мактабида дарс берди. Тажрибаси

ошган, Узун тумани халқ таълими бўлимига услубчи этиб тайинлашди. Хуршида бошланғич синф ўқитувчиси, Фазлиддин мусика фанидан дарс беради. Бобонинг олти набираси ҳам педагогика олий ўқув юртини битириб, ҳозир Денов, Сариев, Узун туманларидаги мактабларида ёшларга сабоқ бермоқда.

Ёрали бобо билан бир хонадонда яшайдиган кенжа ўғли Фазлиддин кундузи элнинг болаларига дарс ўтса, кечқурун келиб отасидан маҳорат дарсларини ўрганади. Ҳамон ота-бола бир-бирига ўргатади, бир-бирдан ўрганади.

— Яқин вақтгача ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштириши балл тизимида баҳоланарди. Ўқитувчи таълим бериш, ўқини, изланишдан ҳам кўра қўлига калькулятор олиб худди ҳисобчидек асосий вақтининг балларни жамлаш билан ўтказарди, — дейди Фазлиддин Хидиров. — Бундан ташқари, ҳафталик, ойлик, чораклик, ярим йиллик ҳамда йиллик ҳисоботлар ва бир қатор бошқа қўғозбозликлар ҳам таълим сифатида таъсир қўрсатарди. Жорий ўқув йилидан эътиборан ўқитувчи фақат синф журналин тўлдирди, дарс ишланмаси ва тақвимий мавзу иш режаси тайёр берилади.

Ҳа, Узун туманида Хидировлар оиласини ўқитувчилар сулоласи сифатида ҳамма биледи. Бу эса улар учун катта шараф ва обрўдир.

Буюклар мероси



Бебаҳо асарлари билан кўнгилларни шодумон этишга қодир алломаларимиз асрлар оша қадр топиб боришга бугун барчамиз бирдек гувоҳ бўляпмиз. Айни пайтда уларнинг муборак номлари, ноёб ҳикматларини халқнинг юрагига жо қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Хусусан, Мухаммадризо Огаҳийнинг бой меросига ҳам бугун ҳар қачонгидан кучли эътибор қаратилмоқда. Айниқса, ёшларимиз ўртасида алломанинг ҳаёт ва ижод йўли кенг ўрганила бошлагани қувонарли.

Хоразм Маъмун академияси ходими, “Қадимий ёзма ноёб кўлэзма ва манбаларни тадқиқ қилиш, уларнинг рақамлаштирилган библиотекасини яратиш” амалий лойиҳаси раҳбари, филология фанлари доктори Абдулла ҲОЗИМОВ билан бўлган суҳбатимизда юқоридегилар юзасидан фикр алмашдик.

“ШОД ЎЛҒИЛ ЭЙ, МАҲЗУН КЎНГИЛ...”

— Абдулла ака, аввало, бошланган хайрли ишлар дебocasидан гапласак. Мухаммад Ризо Эрнӣёзбек ўғли Огаҳий асарларининг мукамал наشريни тайёрлаш ва чоп қилишдек эзгу ишга имкон яратилди, тўғрими?

— Президентимизнинг 2017 йил 24 майдаги “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги тарихий қарори бу эзгу ишларга мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтади. Буюк шоир, тарихчи ва алломаларимиз яратган асарларни тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимли йўлга қўйилди. Аждодларимиз яратган нихоятда Ризо Эрнӣёзбек ўғли Огаҳий тававаллудининг 210 йиллигини нишонлаш ҳамда Хива шаҳрида Огаҳий ижод мактабини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори том маънода Хоразм адабий муҳити-

— Огаҳийнинг тарихий мероси ҳақида гап кетганда айрим тадқиқотчилар унинг салмоғини камида 20 том ҳажмда, дея эътироф этишади...

— Ўтган йилнинг 20 март санасида Вазирлар Маҳкамасининг “Мухаммад Ризо Эрнӣёзбек ўғли Огаҳий тававаллудининг 210 йиллигини нишонлаш ҳамда Хива шаҳрида Огаҳий ижод мактабини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори том маънода Хоразм адабий муҳити-



ни бор бўйича намойн этишга имкон берувчи тарихий ҳужжат бўлди.

Хукуматимиз қарори ижросини таъминлаш мақсадида Огаҳий асарларини тўла ҳажмда чоп этиш учун вилоят ҳокими раҳбарлигида нуфузли таҳрир хайъати тузилди. Мазкур кенг кўламли ишлар жараёнига вилоят ҳокими ўринбосари, иқтисод фанлари доктори, профессор Санъатбек Солаев бевосита бош бўлганини ҳам қайд этиш жоиз.

Огаҳий яратган асарлар, таржималар ҳажми тақрибан 20 томи ташкил қилади. Ҳозиргача аллома “Асарлар”нинг 8 жилди дунё юзини кўрди. Хоразм Маъмун академияси ҳамда барча огаҳийшунос олимлар, тадқиқотчиларнинг ўтган бир йил давомидаги изланишлари самараси бу. Шу ўринда Огаҳий “Асарлар”ини жуда чиройли жилдлар билан ўқувчиларга тақдим қилаётган “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик жамияти жамоасига ҳам алоҳида миннатдорлик билдираимиз.

— Муқаддам, 1970-1978 йилларда Огаҳий асарлари олти жилд ҳажмда чоп этилган эди. Ҳозирги наشري ўша наشرдан қайси жиҳатлари билан фарқ қилади?

— Шу кунгача Огаҳий асарлари ва таржималарининг бир қисмига на чоп этилган эди. Танкич олимлар Субутоғ Долимов ҳамда Фулом Каримов мазкур олти жилдга кирган асарларни тўла ҳолда таъдил қилган ва чоп этишга бўлган ҳаракатлари таҳсинга лойиқ.

Бугунги наشر эса ҳар бир тарихий асар қайси кўлэзма ёки илмий-танқидий наشر асосида бўлса, саҳифалари аниқ кўрсатилган, луғат, кўрсаткичлар, изоҳлар мукамаллиги билан фарқланади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамаси

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибхона: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru

Бир сўз билан айтганда, Огаҳий асарлари учун умумий кўрсаткич тузилиши соҳа олимларининг бу асарлардан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтиради, тарихга қизиқувчан ўқувчига ўша давр руҳини яқинлаштиради.

Кўрсаткичлар мукамаллиги аниқ бир қаҳрамон (масалан, Хўжаш маҳрам) фаолияти, ҳаёти чизгиларини хронологик аниқликда, тизимли таҳлил қилиш, ўрганишда асос бўла олади. Шу билан бирга, умумий жой номлари, тарихий воқеалар кўламининг аниқ таҳлили учун кўмак ҳам беради.

Огаҳий асарларини тўлалигича ўқувчиларга етказиш жараёни давом этаётган экан, аллақачон чоп қилинган жилдлар ҳақида ҳам мухтасар айтмоқ лозим. “Асарлар”нинг 10-жилдини ташкил этган Жоний Маҳмуд Ғиждувонийнинг “Мифтоҳу-т-толиб” тарихий асари таржимаси илк бора наشر қилинди. Бу асар устида Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти илмий ходими Эркин Мирқомиллов узоқ йиллар тадқиқот олиб борган. Ваҳоланки, нафақат оддий тарихга қизиқувчан китобхон, балки тарихчи олимлар ҳам бу асар ҳақида умумий тасаввурга эга эдилар, холос.

Яна бир эътиборли томони шундаки, янги нашрда олдингиларидаги имловий хатолар тўғриланиши, оят ва ҳадислар имкон қадар аслига мувофиқ ўқилгани билан эътиборли. Қуръони каримдан келтирилган оятлар маъно таржималари билан берилди.

Ҳозиргача амалга оширилган наشرларнинг ўзидаёқ эски ўзбек тили ҳатто мутахассислар берган айрим маълумотлар ва китобхон тасаввур қилгандан анча бой эканини кўрсатганди. Шунинг учун айтиш мумкинки, Огаҳий асарларининг тузилажак луғати шу кунга қадар мумтоз адибларимиз асарлари учун шакллантирилган ва чоп этилган луғатларга ўхшайди. Масалан, Огаҳий “Гулшани давлат” тарихий асарига шева имкониятларидан ўз ўрнида жуда моҳирона фойдаланган. Бу ҳолатни бошқа асарларида ва ҳатто таржималарида ҳам учратиш мумкин. Буларни янги нашрда аслиятда қолдириб, керак ўринларда изоҳлар берилди.

— Ҳозирги пандемия шароитида Огаҳий асарларининг тўла жилдларини тайёрлаш ва чоп этиш жараёни қандай кетмоқда?

— Президентимиз шу йил 5 майда пойтахтдаги Адилблар хиебонига таширфи чоғида берган кўрсатмалар асосида Тошкент давлат шарқшунослик университетига “Огаҳийшунослар кенгаши” тузилди. 6 июль кун мазкур кенгашнинг таъсис мажлиси масофавий тарзда ўтказилиб, галдаги вазифалар ва йўналишлар белгилаб олинди. Мавжуд наشر учун асос кўлэзмалар билан танишиш, зарур ўринларда нусхалар олиш, илмий ходимларни жалб қилиш ишларида Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти яқин ҳамкорлик қилади.

Ҳозир наشر учун масъуллар уй шароитида ишляпти. Барча ишлар режа асосида кетмоқда. Ушбу лойиҳа ҳукумат қароридан кўрсатилган муддат — 2021 йилда муваффақиятли амалга ошади.

Рўзимбой ҲАСАН суҳбатлашди.

Бош муҳаррир: Салим Дониёр

“Янги Ўзбекистон” газетаси учун масъул: бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари Бахтиёр Абдусатторов

Таҳририятга келган кўлэзмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Келажак бунёдкорлари

ЁШЛАР ПАРЛАМЕНТИНИНГ ЯНГИ ЛОЙИҲАСИ

Иқтидорли ўғил-қизларни қўллаб-қувватлаш ва фаоллигини оширишга тўртки бўлади



Бугунги янгиланишлар жараёнида эртанги кунимизнинг муҳим ҳаракатлан-тирувчи кучи бўлган ёш авлод таълим-тарбияси ва камолотига эътибор ҳар қачонгидан ҳам кучайди. Айниқса, йигит-қизларнинг сиёсий фаоллигини янада ошириш, юртимиздаги ислохотларга дахлдорлик туйғусини, сиёсий жараёнларда иштирокини кенг қамраб олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузурида Ёшлар парламенти ташкил этилгани аниқ мудоаодир.

Шаҳзод САЙДУЛЛАЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзоси, Тошкент давлат иқтисодий университети мустақил изланувчиси

Айтиш керакки, дунёда ёшлар парламентарининг бир нечта моделлари мавжуд. Мамлакатимизда жамоатчилик асосидаги консультатив орган ҳисобланувчи Ёшлар парламенти асосий мақсади ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги ўрни ва таъсирини амалда таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий фаоллигини қўллаб-қувватлаш ҳамда сиёсий-ҳуқуқий билим ва кўникмаларини оширишдан иборат. Айни пайтда Ёшлар парламенти аъзоларига янги ташкил этилган ташкилотнинг мамлакат равнақи ва иқтисодий-иқтисодий ривожланиши учун муҳимлигини тушунтириш, уларни мамлакатнинг сиёсий-иқтисодий ҳаётига фаол жалб қилиш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ва унинг ўринбосарлари, фракциялар раҳбар-

лари томонидан йиғилишлар ўтказилиб, Ёшлар парламенти аъзоларининг асосий фаолият йўналишлари белгилаб олинди. Қонун ижодкорлиги, жамоатчилик назорати, Олий Мажлис палаталари томонидан қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини ёшларга етказиш ва тарғиб қилиш мазкур жамоат ташкилоти фаолиятининг асосий йўналиши ҳисобланади.

Бундан ташқари, ёшларнинг муаммоларини ўрганиш, йигит-қизлар билан доимий мулоқотда бўлиш, уларни қийнаб келаётган муаммоларни бартараф этиш, умуман, давлат тузилмалари ва ҳукумат олдида барча тоифадаги ёшларнинг “тили” бўлиш парламент аъзоларининг нафақат вазифаси, балки мақсади бўлиши лозим.

Мамлакатимиз аҳолисининг катта қисмини ташкил этаётган ёш авлод бугунги кунда жамиятимизда амалга оширилаётган ислохотларда етакчи куч бўлиб майдонга чиқмоқда. Йигит-қизларимизнинг жамиятимизнинг турли соҳаларида эришаётган ютуқлари бунга мисолдир. Хусусан, таълим, илм-фан, маданият, санъат, спорт, тadbиркорлик каби йўналишларда салмоқли натижаларга эришилмоқда. Шу билан бирга, ёшларимизни қийнаётган муаммолар ҳам талайгина. Хусусан, таълим, касб-хунар ўрганиш, бандлик, меҳнат муҳофазаси, меҳнат миграцияси, тadbиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ва

ривожлантириш каби йўналишларда ёшлар қўллаб-қувватлашга дуч келаётгани сир эмас. Тўғри, ҳозирги кунда Халқ қабулхоналари ва бошқа тузилмалар орқали бундай ҳолатларга оқилона ечим топиш йўлида дадил қадамлар қўйилмоқда. Бироқ “тендос-тендос” тамойили асосида айнан ёшлар ташкилотларининг ўз тенқурлари орасида бу йўналишда иш олиб бориши муаммоларга янада самарали ечим топиш, навқирон авлоднинг интилишларини тўлиқ рўёбга чиқаришда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Ана шундай эзгу мақсад ва вазифаларни рўёбга чиқариш учун жараёнга мамлакатимизнинг барча ҳудудларида истиқомат қилаётган ёшларни кенг жалб этиш, ҳаётда дуч келаётган муаммоларига амалий ечим топиш мақсадида Ёшлар парламенти “Ёшлар мувожаати портали”ни ишлаб чиқиши аниқ мудоаодир.

Ёшлар парламенти аъзоларининг жамоатчилик асосида фаолият юритишини, юртимизнинг турли ҳудудларида ишлаши ҳамда таҳсил олишини инобатга оладиган бўлсак, портал орқали ишни ташкил этиш, аввало, ортиқча вақт ва маблағ сарфининг олдини олади. Шунингдек, портал барча ёшлар учун очик бўлиб, унда Ёшлар парламенти кўникмалари кесимида бўлимлар ташкил этилади. Ёшлардан келиб тушаётган саволлар ва муаммоли масалалар тегишлилиги бўйича кўникмаларга юборилади. Кўникмалар, ўз навбатида, келиб тушаётган мувожаатларни ўрганиб, пухта таҳлил қилгандан сўнг депутатлик сўровлари орқали масъул вазирлик, ташкилот ва давлат ҳокимияти органларига юборилади.

Порталнинг қўлайлиги шунда бўладики, ундан фойдаланиш учун ID саҳифани яратиш ёки бир неча босқичли рўйхатдан ўтиш бекор қилиниб, оддийгина телеграмм мессенжеридан яратилган бот орқали мувожаатлар қабул қилинади. Бунда мувожаатчининг шахсини аниқлаш учун фақатгина паспорт серияси ва рақами талаб этилади. Мазкур портал Ички ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилиши, паспорт сериялари ва рақамлари орқали мувожаатчи ҳақида маълумот олиш имконияти яратилиши талаб этилади.

Портални ишга тушириш орқали республиканинг олис бурчадаги истиқомат қилувчи ҳар бир ёшнинг “овози” эшитилади ва жойларга етказилади.

Шу билан бирга, мазкур портал орқали муаммоларни таҳлил қилишда маҳаллий ва давлат ҳокимият органлари даражасидаги масалалар ўрганилиши мақсада мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Энг асосийси, жойлардаги раҳбарлар томонидан эшитилмаётган, муаммолари ҳал бўлмаётган, саволлари жавобсиз қолаётган ёшларнинг овози баралла янграшига имкон яратилса, йигит-қизларимизда эртанги кунга ишонч янада мустаҳкамланади. Навқирон авлоднинг келажакка юксак ишонч билан дадил қадам ташлаши эса юрт равнақи ва фаровон ҳаётга эришишда муҳим омил бўлади.

Брифинг

ҒОЛИБЛАР АДОЛАТ МЕЗОНЛАРИ АСОСИДА АНИҚЛАНАДИ

Муножат МҶМИНОВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти томонидан Республика Маънавият ва маърифат маркази, “Ўзбекино” миллий агентлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Республика Журналистлари ижодий уюшмалари билан ҳамкорликда эълон қилинган “Қадринг баланд бўлсин, она тилим!” танловига ижодий ишларни қабул қилиш жараёни ўз нихоюсига етди.

Шу муносабат билан ташкил этилган брифинг Давлат тилини тарғиб қилишга қаратилган илмий-ижодий танловга доир барча маълумотлар масъул мутасаддилар томонидан йиғилганларга етказилди. Хусусан, брифинг аввалида сўзга чиққан Инновацион ривожланиш вазирининг маслаҳатчиси, танлов ҳакамлар хайъати раиси Исажон Султон танловга 1750 та ижодий иш келиб тушганини эътироф этиб, юртдошларимиз, айниқса, зиёлиларнинг ўзбек тили ривожига бефарқ эмаслигини алоҳида таъкидлади.

Аҳамиятисини шундаки, танловга АҚШ, Франция, Россия, Жанубий Корея, Эрон, Афғонистон, Озарбайжон, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон сингари давлатлардан ҳам ижодий ишлар юборилган. “Ўзбек тилининг хориждаги энг яхши тарғиботи” йўналишидаги бундай ишлар сони 75 тани ташкил этади. Шунингдек, “Энг яхши бадий асар”

йўналишига 125 та насрий, 712 та назмий асарлар, “Энг яхши публицистик мақола” йўналишига 426 та, “Энг яхши ижтимоий роликлар” номинациясига 412 та ижодий иш тақдим этилган.

Шу ўринда айтиш жоизки, ушбу танловнинг Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликлари тизимида ҳам ўтказилаётгани ёш авлодини миллий руҳда тарбиялашга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг маслаҳатчиси Одина Жамолидинованинг айтишича, бугун республикамизда 20 та олий таълим муассасасида ўзбек тили ва адабиёти, филология таълим йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланяпти. Департамент томонидан эълон қилинган мазкур танловга етакчи профессорлар ва ёш тadbиркорлар томонидан 200 дан ортиқ ижодий ишлар келиб тушган. Энг яхши деб топилган ишлар дарслик, ўқув, услубий қўлланма сифатида наشر этилиб, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларига тавсия этилади.

Халқ таълими тизимида ташкил этилган “Ўзбек тили бўйича энг яхши видеодарс” танловига эса педагоглар томонидан 4 308 та видеодарс тақдим этилди. Халқ таълими вазирининг маслаҳатчиси Насиба Мамаримова видеодарсларни адолатли баҳолаш юзасидан шундай деди:



— Ижодий ишларни баҳолаш босқичининг энг қийин жараёни олднда. Бу борада экспертларимиз томонидан инновацион видеодарсларга алоҳида эътибор қаратилади ва ғолибларнинг ишлари ижтимоий тармоқларда эълон қилинади. Бу ҳам танловнинг шаффоф ўтказилаётганидан далолатдир.

Танловга қўтилгандан-да кўп ижодий ишларнинг келиб тушгани ҳакамлар хайъати зиммасига катта масъулият юклайди. Ижодий ишлар бир ой мавойида муносиб баҳолаб, ғолибларни аниқлаш ва тақдирлаш маросими “Ўзбек тили байрами” куни арафасида ўтказилади. Шунингдек, ғолибларнинг рўйхати танлов расмий сайти ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Навбатчи муҳаррир: Гулчехра Дурдиева

Мусахҳиш: Ойдин Аляутдинова

Дизайнер: Зафар Бақиров

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎЗА яқуни — 22:35 Топширилди — 01:00